БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 174 (665)

4 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун Тошкентга Индонезия республикасининг президенти Сукарно жаноблари келади.

Индонезия халқи билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин!

Марксча—ленинча назарияни чуқур, ижодий ўрганиш учун

Партия маорифи системасида янги ўқув йили бошланмоқда. Ҳозирги вақтда кенг партиялилар оммаси сиёсий ўқишни уюштиришга ва унинг мазмунига доир масалаларни қизғин муҳокама қилмоқда.

КПССнинг XX съездида партия пропагандасидаги жиддий камчиликлар очиб ташланган эди. Маълумки, КПСС XX съездидан кейин пропаганда ишини хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги амалий вазифаларни бажариш билан боғлаб олиб бориш бирмунча кучайтирилди. Кадрларга иқтисодий билим беришга кўпроқ эътибор қилина бошланди. Иқтисодий билим жамиятимиз юқори меҳнат унумдорлиги учун, СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини бажариш учун кураш олиб бораётган шароитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

КПСС XX съездининг қарорларини ва материалларини партия маорифи системасида ўрганиш коммунистларнинг ва партиясизлар активи кенг доираларининг марксча-ленинча назариянинг, партия ва ҳукумат ички ҳамда ташқи сиёсатининг актуал масалаларига, бўлган қизиқишларини оширди. Шаҳсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш йўлида партия томонидан кучайтириб юборилган кураш марксизм-ленинизмни ижодий ўрганиш учун анча қулай шарт-шароит вужудга келтирди. Аммо, партия маорифини қайтадан тузиш учун қилинган ишлар биринчи қадамлардангина иборат, холос.

КПСС Марказий Комитети «Партия маорифи системасида ўқув йилининг якунлари ва партия ташкилотларининг янги ўқув йилидаги вазифалари тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида шуни қайд қилдики, кўпгина партия ташкилотларида коммунистларнинг сиёсий ўқувига раҳбарлик қилиш ҳали қониқарсиз амалга оширилмоқда. Бутун пропаганда иши кўп йиллар мобайнида асосан «ВКП(б) тарихи қисқа курсида» асосланганлиги сабабли коммунистлар марксизм-ленинизмни, диалектик ва тарихий материализмни, сиёсий иқтисодни, социалистик революция назарияси ва тактикасини, социализм ва коммунизм қуриш тарихи ҳамда практикасини ўз ичига олган яхлит таълимот сифатида ўрганмадилар. Ленининг улуғ назарий меросини ўрганишга етарли даражада эътибор берилмади. Ҳозирги замоннинг тўб проблемаларига эътибор бермай, ўтмишга кўпроқ назар солиш, талмудизм ва қироатхонлик, иқтисодий назарияни ва конкрет экономикани ўрганишга етарли баҳо бермаслик каби кенг илдиз отган камчиликлар партия пропагандасида шу вақтгача йўқотилмаган.

Партия маорифининг бундан қарийб йигирма йил илгари қарор топган формалари ва мазмуни коммунистларни қаноатлантиролмайди. Коммунистларнинг умумий билим ва сиёсий тайёргарлиги анча ўсди, уларнинг маънавий талаблари мислсиз кўпайди. Кўпгина партия ташкилотлари партия маорифини уюштириш ва унга раҳбарлик қилишда ташаббус ва эпчилик кўрсатмайдилар, сиёсий маориф иши ҳозирги вақтда партия томонидан ҳал этилаётган вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилганидагина, коммунистлар марксча-ленинча назарияни ўрганишни ўзларининг амалий ишларига қўлланма деб билганларидагина муваффақиятли суратда олиб борилиши мумкин эканлигини эсдан чиқариб қўймоқдалар.

Марксизм-ленинизмга ёт бўлган шахсга сиғиниш партия маорифи ишига катта зарар етказган эди. Кўп пропагандистлар марксча-ленинча назарияга амал қилиб, коммунистик қурилишнинг вазифаларини, ҳозирги тарихий тараққиётнинг партия томонидан умумлаштирилган янги тажрибасини моҳирлик билан жонли ва конкрет суратда тушунтириб бериш ўрнига ўз ролларини цитаталарни қайтадан сўзлаб беришдан, ҳаёт билан, партия ва халқнинг амалий вазифалари билан боғланмаган маълум ҳақиқат гапларни такрорлашдан иборат қилиб қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети шуни қайд қилдики, партия маорифи системасидаги камчиликлар марксча-ленинча билим олишда ихтиёрийлик принципини нотўғри тушуниш оқибати ҳам бўлди. Сиёсий ўқувни уюштирганда рўй берган маъмуриятчилик ва шаблон шунга олиб келдики, коммунистларнинг талайгина қисми ўз ҳоҳишларига хилоф суратда бир хил типдаги тўгараклларга ёзилди ва ўзларига кўпданоқ маълум бўлган айни бир хил масалаларни йиллар бўйи ўрганишга мажбур этилди.

Марксча-ленинча билим олишда ихтиёрийлик принципини амалга ошириш партия ташкилотларидан партия маорифидаги маъмуриятчилик-бюрократик практикага хотима беришни, тўгараклар, мактаблар, семинарларнинг иш сифатини кескин суратда яхшилашни талаб этади. Партия маорифининг шундай системасини вужудга келтириш керакки, бу система коммунистларнинг хилма-хил талабларини ҳисобга олсин, тўгараклларда ва мактабларда ҳам, мустақил ўқиш йўли билан ҳам марксизм-ленинизмни чуқур, ижодий ўрганишни таъминласин, коммунистларнинг марксча-ленинча назарияни тушунишга бўлган амалий қизиқишларига асослаб ташкил этилсин.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети партия аъзоларидан бир қисмининг, шу жумладан раҳбар ходимларининг ҳам «ихтиёрийлик» деган гапларни баҳона қилиб ҳақиқатда сиёсий билим олиш билан шуғулланмай қўйганликларини нормал бўлмаган бир ҳол деб ҳисоблайди. Баъзи партия ташкилотлари назарияни мустақил ўрганувчиларнинг ҳар қандай майда-чуйда ишларига аралашмай қўйиб, бошқача йўлга кириб олганлар—ўз-ўзидан ўқиб сиёсий билимни ошириш ишларига раҳбарлик қилмай қўйганлар ва бу ишларни ташкил этишдан ўзларини четга тортганлар. Шу сабабдан марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганиш кўп ҳолларда ҳақиқатда тўхтаб қолганлиги таажжубланарлик бир ҳол эмас.

КПСС Марказий Комитети марксизм-ленинизмни ўрганиш ва пропаганда қилиш соҳасидаги ишларни ҳар қандай йўл билан бўшаштиришга йўл қўйиб бўлмаслигига партия ташкилотларининг эътиборини жалб этди. СССРда коммунизм қурилишининг, халқ демократияси мамлакатларида социализм қурилишининг янги буюк вазифалари муносабати билан, буржуазия идеологиясига қарши курашнинг ҳозирги вазифалари ва шахсга сиғинишни ҳамда унинг оқибатларини тамомила тугатиш зарурлиги муносабати билан коммунистларни марксча-ленинча тарбиялашнинг роли айниқса ортади.

Пропагандамизнинг энг муҳим вазифаларидан бири—ҳозирги замон капитализмининг империалистик моҳиятини фош қилишдан, унинг иллатларини, зиддиятларини ва антагонизмини очиб ташлашдан, Совет Иттифоқи ва ҳалқ демократияси мамлакатларининг ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, социалистик тузумнинг капитализм тузумига нисбатан буюк афзалликларини тушунтириб беришдан иборат. Турли социал-сиёсий системалардаги мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши икки идеологиянинг, яъни социалистик идеология билан буржуазия идеологиясининг муроса қилишини асло кўрсатмайди. Бизга душман бўлган идеологияга қарши, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши, марксча-ленинча дунёқараш учун, ана шу дунёқараш принципларининг поклиги учун курашиш—ҳар бир коммунистнинг бурчи ва вазифасидир.

Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатининг кучи ва енгилмаслиги шундаки, бу сиёсат ижтимоий тараққиёт қонунларидан фойдаланишга асосланган. Марксизм-ленинизмгина ана шу ижтимоий тараққиёт қонунларини ўргатади. Бизнинг партиямиз марксча билимли кадрларга эгадир. Аммо бу ҳол ана шу кадрлар ғоявий-назарий жиҳатдан ўсишда бир жойда тўхтаб қолишлари мумкин, деган маънони асло англатмайди. Ижтимоий ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, ижтимоий ҳаёт бизнинг олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Партиямизнинг кадрлари амалий тажрибани, ҳаёт томонидан илгари сурилаётган янги масалаларни назарий жиҳатдан яхши англаб олишлари лозим. Партиямизнинг кадрлари ўзларининг ғоявий-назарий савияларини ошириш соҳасида тинмай ишлашлари зарур. Марксча-ленинча назарияни ўрганишга бепарво қараш коммунистик ғоявийликни йўқотишга, тараққиётимизнинг перспективаларини йўқотишга олиб боради. Бундай бепарво муносабатда бўлиш партиямизнинг табиатига ва партиямиз Уставининг талабларига зиддир.

Партия пропагандасининг асосий вазифаси — коммунистларни марксизм-ленинизм асосларини билиш билан, ижтимоий тараққиёт қонунларини, коммунизм қуриш қонунларини билиш билан, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсатини чуқур тушуниш билан қуроллантиришдан иборат. Партия аъзоларини марксча-ленинча дунёқараш руҳида, коммунистик ғоявийлик руҳида, назарияни ўрганишга ижодий муносабатда бўлиш руҳида, буржуа идеологиясининг кўринишларига қарши шафқатсиз кураш руҳида тарбиялаш зарур.

Партия ташкилотлари пропаганда ишида шахсга сиғинишнинг оқибатларини тамомила тугатишлари, пропаганданинг ҳозирги замондан, партия ва халқнинг коммунизмнинг моддий ишлаб чиқариш базасини вужудга келтириш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш учун, социалистик маданиятни ривожлантириш учун олиб бораётган курашига доир туб проблемалардан ажралиб қолишига хотима беришлари зарур. Партия маорифи совет кишиларининг кун сайин бажараётган амалий ишлари билан коммунизм қурилишининг буюк вазифалари ўртасидаги алоқани чуқур очиб бериши, партия ҳаётининг ғоявий савиясини ва коммунистларнинг ижодий активлигини юксак даражага кўтариши керак.

Ҳозирги вақтда партия маорифи шаҳобчалари коммунистларнинг истаклари ва эҳтиёжларига мувофиқ суратда тузилмоқда. Янги ўқув йилида сиёсий билимлар минимумига эга бўлмаган коммунистлар учун мажбурий бошлангич босқич сифатида сиёсий мактаблар, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қарорларини, республика, ўлка, областдаги хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари юзасидан маҳаллий партия ҳамда совет органларининг чиқарган қарорларини ўрганиш учун, шунингдек тингловчиларни Совет Иттифоқидаги ва чет эллардаги ҳаёт воқеалари билан таништириш учун жорий сиёсат тўгараклари, марксча-ленинча философия асосларини ўрганиш семинарлари ёки тўгараклари; КПСС тарихини ўрганиш семинарлари ёки тўгараклари; сиёсий иқтисодни ўрганиш семинарлари ёки тўгараклари, шунингдек олтинчи беш йиллик проблемалари ва ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини ўрганиш семинарлари ёки тўгараклари ташкил этилади.

КПСС Марказий Комитетнинг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, партия маорифи шаҳобчаларини ташкил этганда партия комитетлари шаблонга йўл қўймасликлари, машғулот ва лекцияларнинг программасини, тематикасини мазкур республика, ўлка, область, шаҳар, районнинг конкрет шароитларига максимал яқинлаштириш мақсадида кўпроқ ижодий ташаббус кўрсатишлари керак. Ҳозирги замон билан бевосита боғлиқ бўлган ва коммунистларни ғоят қизиқтирадиган темаларни ўрганишга кўпроқ вақт ажратиш лозим. Марксча-ленинча назариянинг айрим актуал проблемаларини ўрганиш семинарлари ёки тўгаракларини тузиш мақсадга мувофиқдир. КПСС тарихини ўрганиш семинарлари ва тўгараклларининг планлари ҳамда программаларида партиянинг октябрдан кейинги даврдаги фаолиятини ёритишга ва хусусан мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилиши билан боғлиқ бўлган масалаларга кўпроқ эътибор бериш керак. КПСС XX съездининг қарорлари ҳамда материалларини, партия ва ҳукуматнинг қарорларини чуқур ўрганишга айниқса зўр эътибор бермоқ лозим.

Корхона, колхоз, МТС ва совхозларнинг экономикасига доир актуал масалаларни муҳокама қилишга бағишлаб иқтисодий конференциялар ўтказаётган бир қанча партия ташкилотларининг ташаббусини маъқуллаш керак. Кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш, илғор иш тажрибаларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ёйиш мақсадида ана шу самарали иш формасидан ҳар томонлама фойдаланиш зарур.

Ўқув йилини бошлаш ва тамомлаш юзасидан қатъий муддатлар белгилаш партия маорифи системасида ташкилий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети ўз қарорида ана шу муддатлар турли республика ва областлар учун хилма-хил бўлиши мумкин, деб кўрсатди. Ўқувнинг муайян даври сифатида ўқув йили шубҳасиз, белгиланиши лозим. Аммо эндиликда иттифоқчи республикалар Компартия Марказий Комитетлари, область ва ўлка партия комитетлари ўқув йилининг бошланишини ҳар бир жойнинг ўзида 1 сентябрь билан 15 октябрь ўртасида ва ўқув йилининг охирини 1 апрель билан 1 июнь ўртасида маҳаллий шароитларга қараб, шаҳар ва қишлоқ районлари учун табақалаштирилган тартибда белгилайдилар. Мактаб ва тўгараклар машғулотларнинг қанча вақт давом этишини ўрганилаётган масалаларнинг характерига ва тингловчиларнинг тайёргарлигига қараб белгилаш тавсия этилади. Масалан, узоқ тайёргарлик талаб этилган назарий семинарларда машғулотлар ойда тахминан бир марта, сиёсий мактаб ва тўгараклларда ойда кўп деганда икки-уч марта ўтказилиши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганиш коммунистларни ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлашнинг энг муҳим, асосий методи бўлиб қолмоқда. Аммо, марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас, партия органлари бу ишни ташкил этишлари, унга систематик раҳбарлик қилишлари ва ёрдам бериб туришлари лозим. Партия ташкилотлари марксизм-ленинизмни мустақил ўрганаётган коммунистларга систематик равишда ёрдам бериш тўғрисида, марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганишни назарий масалаларни вақт-вақт коллектив муҳокама қилиш билан бирга қўшиб олиб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак. Назарияни мустақил ўрганувчи коммунистларнинг эҳтиёж ва истакларини ҳисобга олиб, лекция, семинарлар, ўзаро суҳбат, назарий конференцияларни, группа-группа ва индивидуал консультацияларни кенг ўтказиб туриш зарур.

Партия комитетлари пропагандистларни танлаш ва тайёрлашга алоҳида эътибор беришлари керак. Назарий жиҳатдан кўпроқ тайёрланган ва партия, хўжалик ҳамда совет ишларида амалий тажрибаси бўлган коммунистларни доклад ва лекция ўқишига, мактаб, тўгарак ва семинарларда машғулот ўтказишга жалб этиш лозим. Партия маорифи шаҳобчалари учун, хусусан иқтисодий билим соҳасида пропагандист кадрларни планли суратда тайёрлаш ва қайтадан тайёрлаш ишлари уюштирилиши керак.

Марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш — пропагандистларнинг ва партия комитетлари пропаганда ҳамда агитация бўлимлари ходимларининггина иши эмас. Партия комитетларидаги бошқа ҳамма бўлимларнинг ходимлари бу ишда актив қатнашишлари лозим. Министрликларнинг, совет ва касаба союз ташкилотларининг ходимларини, корхоналарнинг директорларини, инженерларни, агрономларни, ишлаб чиқариш новаторларини, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият аъзоларини иқтисодий билимларни пропаганда қилишга кенг жалб этмоқ зарур.

Бизнинг матбуотимиз партия пропагандасини яхшилашда кўп иш қила олади ва қилиши керак. Баъзи марказий, республика, область газеталари, иттифоқчи республикалар компартия Марказий Комитетларининг назарий ва сиёсий журналлари кейинги йилларда сиёсий билимларини мустақил равишда оширувчиларга ёрдам бериш учун керакли мақола ва консультацияларни, газетхонларнинг назарий проблемаларга доир саволларига жавобларни деярлик бутунлай босиб чиқармай қўйдиларки, КПСС Марказий Комитети буни нотўғри бир ҳол деб ҳисоблади. Матбуот ҳозирги замоннинг энг актуал назарий ва сиёсий проблемаларини, партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган агитация - пропаганда ишлари практикасини мунтазам суратда ёритиши лозим.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг манфаатлари сиёсий маориф ишига раҳбарликни кучайтиришни қаттиқ талаб этмоқда. Партия ташкилотлари партия маорифига шундай раҳбарлик қилишлари ва бу ишда шундай йўл кўрсатишлари керакки, барча партия аъзоларининг ғоявий жиҳатдан яна ўсиши ва сиёсий жиҳатдан янада чиниқиши таъминлансин, коммунизм қурилишининг амалий вазифаларини ҳал этишда уларнинг ташаббуси ва активлиги оширилсин.

(«Правда»нинг 2 сентябрдаги бош мақоласи).

Хуш келибсиз, Сукарно жаноблари!

Индонезиянинг отоқли давлат ва сиёсий арбоби Сукарно 1901 йил 6 июнда Сурабая шаҳрида (Ява ороли) туғилди. У Бандунгдаги Олий техника ўқув юртини тамомлаб, инженерлик дипломини олди. Сукарно студентлик чоғидаёқ мамлакатнинг сиёсий ҳаётида актив қатнашди, у 1915 йилда тузилган «Ёш Ява» бирлашмасининг аъзоси эди, 1927 йилда эса Бандунгдаги студентлар бирлашган клубининг раиси бўлди. Бу клуб асосий масалаларда мустамлакачи маъмурларни тан олмаслик позициясида турар эди.

Сукарно — Индонезия Миллий партиясига асос қурган кишилардан бири ҳамда бу партиянинг биринчи раисидир. Унинг ташаббуси билан партия программасига Индонезияни мустамлакачилик зулмидан қутқаришни ва унинг тўла мустақиллигига эришишни партия олдига асосий мақсад қилиб қўйган пункт киритилган эди. Сукарно ўша йиллардаёқ мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида Индонезия бирлиги учун курашди.

1928 йилда голланд мустамлакачи маъмурлар миллий озодлик ҳаракатида актив қатнашганлиги учун Сукарнони қамоққа олди. 1933 йилда у яна қамоққа олинди ҳамда Флорес оролига, кейинчалик эса Бенкуленга сургун қилинди. Сукарно сургунда ва қамоқда жами 13 йил бўлди. 1942 йилдагина эркинликка чиқди.

Сукарно 1945 йил 17 августда индонез халқи номидан ҳамда халқ ташкилотларининг топшириғи билан Индонезиянинг мустақиллигини эълон қилди. Шу йили Сукарно республиканинг президенти қилиб сайланди.

Голланд қўшинлари ҳужум қилган 1948 йилнинг декабрида Сукарно республиканинг кўзга кўринган бошқа арбоблари билан биргаликда голланд маъмурлари томонидан қамоққа олинди ҳамда аввал Прапатта (Шимолий Суматра), кейин Банка оролига сургун қилинди. 1949 йил 6 июлда голланд-индонез битими тузилгандан сўнг у Жокьякарта шаҳрига қайтиб келди.

1949 йил 27 декабрда Сукарно Индонезия Қўшма Штатларининг биринчи президенти қилиб сайланди, кейинчалик 1950 йил 17 августда у Индонезия унитар Республикаси тузилганлигини эълон қилди ва бу республиканинг президенти қилиб сайланди.

Сукарно 1955 йил 18 апрелда Осиё ва Африкадаги 29 мамлакатнинг тарихий Бандунг конференциясини тантанали суратда очди. Сукарно бу конференцияни ташкил қилишда Индонезиянинг бош министри Али Састроамиджойо билан биргаликда катта роль ўйнади.

Сукарно катта публицист сифатида ҳам танилган. Унинг «Озод Индонезия учун» ва «Панча Силанинг туғилиши» деган асарлари индонез жамоатчилик фикрини уюштиришда муҳим роль ўйнади. Бу асарлар Сукарнонинг бошқа нутқлари ва мақолалари билан бир қаторда «Индонезия айбламоқда» деган тўпламга киритилди. Бу тўплам яқинда рус тилида босиб чиқарилди.

Сукарно ўз мақолалари ва нутқларида давлатлар ўртасидаги тинч-тотув яшаш принципларига ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларга таянадиган муносабатларни ёқлайди. Сукарно мустамлакачиликка қарши умумий курашда Осиё ва Африка мамлакатлари бирлиги учун оташин курашчидир. У ўз нутқларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг муҳим тарихий аҳамиятини ҳамда иккинчи жаҳон урушидан сўнг СССРда кенг қулоч ёйган ғоят катта яратувчилик ишини кўрсатиб ўтади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВга

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. БУЛГАНИНга

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВга

МОСКВА

Қадрли ўртоқлар, Руминия фашизм зулмидан озод қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан изҳор қилинган қизғин табрик ва истакларингиз учун Руминия Халқ Республикаси Буюк Миллат Мажлиси Президиуми, Министрлар Совети, Руминия ишчи партияси Марказий Комитети ва румин халқи номидан Сизларга самимий ташаккур изҳор қиламиз. Ана шу буюк миллий байрам муносабати билан румин халқи қаҳрамон совет халқига ва унинг румин халқи озодлиги учун курашган ботир жангчиларига ўзининг қардошларча дўстлик ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилади. Руминия Ишчи Партияси, Руминия ҳукумати ва румин халқи социализм ва тинчликнинг порлоқ йўлидан илгари силжиб, Руминия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни тинмай ривожлантиришга, социалистик мамлакатлар бирдамлигини мустаҳкамлаш учун актив ёрдам беришга, халқаро кескинликни юмшатиш учун, барча мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун зўр бериб қилаётган ғайратини сабот билан давом эттиришга қатъий қарор берганликларини билдирадилар.

ПЕТРУ ГРОЗА — РХР Буюк Миллат Мажлиси Президиумининг Раиси.

КИВУ СТОЙКА — РХР Министрлар Советининг раиси.

ГЕОРГЕ ГЕОРГИУ ДЕЖ — Руминия Ишчи Партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари.

Бухарест, 1956 йил, 31 август.

СССР Мудофаа Министрининг

Б У Й Р У Ғ И

1956 йил 3 сентябрь № 130 Москва шаҳри.

Белгиланган хизмат муддатини ўтаган Қўчлари сафидан бўшатиш тўғрисида ҳарбий хизматчиларни СССР Қуролли ва ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқни ўтказиш ҳақида

Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунга мувофиқ **буюраман:**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг Қонунда белгиланган муддатларини ўтаган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар Совет Армияси, Ҳарбий-денгиз флоти, чегара ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар бўшатилиши муносабати билан, 1937 йилда туғилиб, имтиёз олиш ва чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган граждан лар, шунингдек чақириқ ёшида бўлиб, чақириқни кечиктириш муддати ўтиб кетган ҳамда тенгқурлари ҳақиқий хизматни ўтаётган гражданлар Совет Армиясида, Ҳарбий-денгиз флотида, чегара ва ички қўшинларда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва корабларда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи маршали Г. ЖУКОВ.

ССР Иттифоқи ва Индонезия Республикаси давлат арбоблари бир-бирларига телеграммалар юбордилар

Индонезия Республикаси Мустақиллиги Куни муносабати билан ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ҳамда ССР Иттифоқи Олий Совети Иттифоқ Советининг ва Миллатлар Советининг Раислари П. П. Лобанов ва В. Т. Лацис шу йил 16 августда Индонезия Республикасининг Президенти Сукарнога, Индонезия Республикасининг Бош Министри Али Састроамиджойога ва Индонезия Республикаси Парламентининг раиси Сартонога табрик телеграммалари юбордилар.

Бу табрикларга жавобан Индонезия Республикасининг Президенти Сукарнодан, Индонезия Республикасининг Бош министри Али Састроамиджойодан ва Индонезия Республикаси Парламентининг раиси Сартонодан телеграммалар олинди.

Қуйида шу телеграммалар эълон қилинади.

Индонезия Республикасининг Президенти СУКАРНО жаноб Олийларига

ЖАКАРТА

Индонезия Республикаси Мустақиллиги Куни муносабати билан Сиз, Президент жанобларидан ва Сиз орқали бутун Индонезия халқидан Совет Иттифоқи халқларининг, СССР Олий Совети Президиумининг ва шахсан менинг энг самимий табрикларимизни ҳамда муваффақиятларга ва фаровонликка эришиш тўғрисидаги энг яхши тилакларимизни қабул қилишларингизни сўрайман.

Совет Иттифоқи халқлари Индонезия халқининг миллий байрами кунида унга мустақил ва тинчликсевар Индонезия қурилишида чинакам янги катта муваффақиятлар тилайдилар.

К. ВОРОШИЛОВ,

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

1956 йил, 16 август,
Москва.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ жаноб Олийларига

МОСКВА

Индонезия Мустақиллиги Куни муносабати билан Сиз жаноб Олийларининг менга юборган самимий табрик мактубингиз учун Сиз жаноб Олийларига Индонезия халқи номидан ва шахсан ўз номимдан чин кўнгилдан миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қилишни истайман.

СУКАРНО,

Индонезия Республикаси Президенти.

1956 йил, 25 август.
Жакарта.

Индонезия Республикасининг Бош Министри САСТРОАМИДЖОЙО жаноб Олийларига

ЖАКАРТА

Бош Министр жаноблари, Индонезия Республикаси Мустақиллиги Куни муносабати билан Совет Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табриклар топширишимга рухсат этгайсиз.

Совет Иттифоқи Ҳукумати Индонезия халқининг тараққий этишини ва бахтиёрликда яшашини хоҳлайди ҳамда СССР билан Индонезия ўртасида мавжуд бўлган дўстлик ва ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимизнинг муваффақиятларига ва бахт-саодатли ҳаёт кечиришларига ёрдам беради, деб умид қилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб қаттиқ ишонч билдиришга рухсат этингиз.

Н. БУЛГАНИН,

СССР Министрлар Советининг Раиси.

1956 йил, 16 август.
Москва.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН жаноб Олийларига

МОСКВА

17 августда Индонезиянинг Миллий байрами муносабати билан Сиз жаноб Олийларининг илтифот қилиб бизга юборган самимий табрикларингиз ва энг яхши тилакларингиз учун Индонезия Республикаси Ҳукумати, Индонезия халқи номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин ташаккур ва миннатдорчилик билдираман. Мен ҳам чин кўнглимдан Россия халқининг гуллаб-яшнаши ва бахт-саодатли ҳаётда яшаши тўғрисида ҳамда шахсан Сиз жаноб Олийларининг бахтиёрликда яшашингиз тўғрисида энг яхши тилакларимни изҳор қиламан. Бутун дунёда умумий тинчлик йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни давом эттиришда ҳамкорлик қилиш билан ўзимни бениҳоя бахтиёр ҳисоблайман.

АЛИ САСТРОАМИДЖОЙО,

Индонезия Республикасининг Бош Министри.

1956 йил, 22 август.
Жакарта.

Индонезия Республикаси Парламентининг Раиси САРТОНО жаноб Олийларига

ЖАКАРТА

Индонезия Республикаси Мустақиллиги Кунида Сизга ва Сиз орқали Индонезия Республикаси Парламентига ўзимизнинг дўстона табрикларимизни ва янги муваффақиятларга эришиш тўғрисидаги тилакларимизни топширамиз.

Биз қаттиқ ишонамизки, СССР Олий Совети билан Индонезия Республикаси Парламенти ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизнинг фойдасига ва тинчлик ишини мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади.

П. ЛОБАНОВ,

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси.

В. ЛАЦИС,

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси.

1956 йил, 16 август.
Москва.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. ЛОБАНОВ жаноб Олийларига

МОСКВА

Индонезия Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунда Сиз жаноб Олийлари табрик юборганлигингиз муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Индонезия Республикаси парламенти номидан Сиз жаноб Олийларига ташаккур изҳор қиламан.

Халқларимизнинг фойдаси ва бутун дунёда тинчлик ишининг манфаатлари учун бизнинг ҳамкорлигимиз янада кўпроқ мустаҳкамланади ва муваффақиятларга эришади, деб умид қиламан.

САРТОНО,

Индонезия Республикаси Парламентининг Раиси.

1956 йил, 28 август.
Жакарта.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. ЛАЦИС жаноб Олийларига

МОСКВА

Индонезия Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунда Сиз жаноб Олийлари табрик юборганлигингиз муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Индонезия Республикаси Парламенти номидан Сиз жаноб Олийларига ташаккур изҳор этаман.

Халқларимизнинг фойдаси ва бутун дунёда тинчлик ишининг манфаатлари учун бизнинг ҳамкорлигимиз янада кўпроқ мустаҳкамланади ва муваффақиятларга эришади, деб умид қиламан.

САРТОНО,

Индонезия Республикаси Парламентининг Раиси.

1956 йил, 28 август.
Жакарта.

Россия Федерациясининг колхозлари ва совхозлари давлатга бир миллиард пуд ғалла топширдилар

Россия Федерациясининг колхозлари ва совхозлари 2 миллиард 200 миллион пуд ғалла топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун курашиб, шу йил 1 сентябргача давлатга бир миллиард пуд дон топширдилар ва сотдилар.

Ставрополь ўлкаси, Ростов области, Доғистон АССР, Чувошистон АССР колхозлари ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажариб бўлдилар ва ҳозир пландан ташқари ғалла топширмоқдалар.

Чкалов областининг колхозлари ва совхозлари 102 миллион пуд, Саратов областининг колхозлари ва совхозлари 70 миллион пуд ғалла топшириб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақият билан бажармоқдалар.

Индонезия республикаси президенти Сукарнонинг СССРда бўлиши

ЛЕНИНГРАД, 1 сентябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Президент Сукарно ва унинг ҳамроҳлари бугун тушдан кейин Эрмитажга бордилар. Кейинчалик индонезиялик меҳмонлар С. М. Киров номидаги стадионда бўлдилар. Бу ерда Индонезия Республикаси терма командаси ва Ленинграддаги «Меҳнат резервлари» жамияти командасининг футболчилари ўртасида халқаро ўртоқларча учрашув бўлди.

Кечқурун Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. Смирнов Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

ЛЕНИНГРАД, 2 сентябрь **(ТАСС махсус мухбири).** Индонезия республикасининг президенти Сукарно ва унинг ҳамроҳлари Ленинградда икки кун бўлдилар. Ленинградликлар индонезия халқининг вакилларини ўзларининг яқин дўстларидек кутиб олдилар. Кўчаларда ва заводда, метрополитен станцияларида ва театрда—ҳамма ерда Ленин шаҳрининг аҳолиси меҳмонларни самимият билан табрикладилар, ўз миллий озодлиги учун курашаётган Индонезия халқига энг яхши тилакларини топширишларини сўрадилар. Бугун президент Сукарно ва унинг ҳамроҳлари Ленинграддан жўнаб кетдилар.

Меҳмонларни кузатиш учун меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари эрталаб барвақт Ленинград аэропортига тўпландилар. Кузатиб қолувчилар орасида Ленинград шаҳар совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов, Ленинград область совети ижроия комитетининг раиси Г. Н. Воробьёв, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ф. Р. Козлов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари И. В. Спиридонов ва бошқалар бор эди.

Индонезия, Совет Иттифоқи ва Россия Федерациясининг флагштокларга кўтарилган давлат байроқлари шамолда хилпирайди. Аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди. Индонезия ва Совет Иттифоқи давлат гимнларининг садоси янграйди. Президент Сукарно ва Н. И. Смирнов фахрий қоровул олдидан ўтадилар.

Н. И. Смирнов олий меҳмонга қарата ҳайрлашув нутқи сўзлайди. Ленинградга келганлиги учун президентга ташаккур изҳор қилади ва меҳмонларнинг Совет Иттифоқи бўйлаб бахтиёрлик билан саёҳат қилишларини истаганлигини билдиради.

Президент Сукарно микрофон олдида нутқ сўзлади. У бундай деди:

— Жаноб олийлари, мэр жаноблари, дўстларим!

Уч миллион ленинградликлар номидан менга оқ йўл тилаганингиз учун сизга ташаккур билдиришни истайман. Индонезия билан Совет Россияси бир-биридан мингларча километр узоқда турадилар. Аммо бу нарса бизнинг учрашувимизга халақит бермади. Шуни айтишим лозимки, бизнинг келишимиз фақат кишилар ўртасидаги учрашувгина бўлиб қолмай, балки қалбларимиз ўртасидаги учрашувга ҳам айланди. Бизга кўрсатган ҳурмат ва эҳтиромингиз бизни ниҳоятда қувонтирди. Ўртамиздаги алоқалар мустаҳкамланди ва биз ишонамизки, Совет Иттифоқи билан Индонезия республикасининг халқлари дўст бўлсалар, шунингдек бутун дунёдаги бошқа халқлар ҳам бир-бирлари билан дўст бўлсалар, у вақтда жаҳон олдида турган мураккаб масалалар муваффақият билан ҳал этилади.

Ҳозиргина ленинградликлар номидан билдирган яхши тилакларингиз учун яна бир марта миннатдорчилик билдираман. Сизлар билан яна учрашишга умидворман.

Кишилар сўнги марта қўл бериб хайрлашадилар. Меҳмонлар Ленинграддан Свердловск шаҳрига учиб кетдилар.

* * *

ҚОЗОН, 2 сентябрь, **(ТАСС махсус мухбири).** Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно Ленинграддан Свердловск шаҳрига борайтиб, бугун эрталаб соат 11 да Қозон аэродромига тушди.

Олий меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини кутиб олиш учун Татаристон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Н. Низамов, республика Министрлар Советининг Раиси М. З. Азизов, Татаристон АССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси З. И. Муратов, СССР, РСФСР, Татаристон АССР Олий Советларининг депутатлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, Татаристон пойтахти саноат корхоналарининг вакиллари, журналистлар аэродромга келдилар.

Татаристон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Н. Низамов индонезияли меҳмонларни самимият билан табриклади.

Президент Сукарно ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

— Мени ва менинг дўстларимни табриклаб айтган сўзларингиздан мен жуда таъсирландим. Бу табрикларингиз учун, самимият билан мени биродар Карно деб айтганлигингиз учун ниҳоятда миннатдорман. Бу — сизларнинг мени ўз ўртоғингиз деб ҳисоблаганликларингизнинг далилидир. Мен бу ерга Индонезия республикасининг президенти сифатида келдим, аммо бу ерга Совет Иттифоқига дўст бўлган мамлакатнинг президенти сифатидагина эмас, балки оддий бир киши сифатида ҳам келганлиги ҳис қилмоқдаман. Халқимиз менга Совет Иттифоқи халқига ўзининг дўстона туйғуларини изҳор қилишни топширди.

Мен бу ерга халқнинг вакили сифатида, халқ орасидан чиққан киши сифатида келдим. Халқ мени президент қилиб сайлади. Мен халқ билан кучликман. Аммо, биз бутун халқ билан биргаликда тинч ва гуллаб-яшновчи жамият қура оламиз.

Бизнинг вазифамиз, деди сўзининг охирида президент Сукарно, Индонезиядаги, шунингдек Совет Иттифоқидаги ва бутун дунёдаги барча меҳнаткашларнинг ва раҳбарларнинг вазифаси—бутун дунёда тинчлик ўрнатишга эришиш йўлида астойдил ишлашдир.

Татаристон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Н. Низамов аэропорт биносида олий меҳмон ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берди. Зиёфат маҳалида Татаристон опера театрининг артистлари меҳмонлар учун татар халқ қўшиқларини айтиб бердилар.

Соат 12 дан 20 минут ўтганида меҳмонлар тушган самолёт Свердловск шаҳрига қараб йўл олди.

* * *

СВЕРДЛОВСК, 2 сентябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно ва унинг ҳамроҳлари бугун маҳаллий вақт билан соат 16 дан 30 минут ўтганида Ленинграддан Свердловск шаҳрига келдилар. Меҳмонларни Свердловск шаҳар совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари П. Г. Панов, область партия комитетининг биринчи секретари А. П. Кириленко, Свердловск область совети ижроия комитетининг раиси К. К. Николаев, меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари кутиб олдилар.

Президент Сукарнонинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган саёҳатида унга СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Ф. Горкин, армия генерали М. И. Казаков, СССРнинг Индонезиядаги элчиси Д. А. Жуков, СССР Ташқи ишлар Министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё Бўлимининг мудири Б. М. Волков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Матбуот бўлими мудирининг биринчи ўринбосари М. А. Харламов ҳамроҳ бўлиб юрибдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети номидан ўртоқ Панов Индонезия давлатининг бошлигини самимий табриклади.

Президент Сукарно табрикка жавобан бундай деди:

Қадрдон ўртоқлар! Бу ерда менинг шаънимга айтган сўзларингизни эшитиб чин юрагимдан таъсирландим. Мен бу ерда ўзимни юртимда, ўз оиламдаги кишилар орасида тургандек ҳис қилмоқдаман.

Индонезия Республикасининг президенти ва индонезия халқининг вакили сифатида менинг вазифам—Индонезия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мавжуд дўстона алоқаларни мустаҳкамлашдир. Мен ўз вазифамни бемалол бажаришимни сезиб турибман, чунки мақсадлари бир бўлган халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик бўлмаслиги мумкин эмас. Тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва қардошлик бўлиши лозим.

Ҳозир бўлғанлар президент нутқининг қуйидаги сўнгги сўзларини гулдирос қарсаклар билан кутиб олдилар:

— Биз халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликнинг мустаҳкамланиши йўлида ишлаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи билан Индонезия ўртасидаги дўстлик!

Яшасин Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик!

Президент Сукарно ва Индонезиянинг бошқа вакиллари аэродромдан шаҳарга жўнадилар. Аэропортдан шаҳаргача бўлган бутун йўл бўйида меҳмонларни мингларча свердловскликлар табрикладилар.

Индонезиялик меҳмонлар бироз дам олганларидан кейин шаҳарни томоша қилдилар.

Ҳунарлар манбаи—ишлаб чиқаришга келинг

А. АБДУНАБИЕВ,
Узбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Ренат Подмарев ўрта мактабни тамомлаб «Етуклик аттестати» олганидан сўнг Бауман номидаги олий техника билим юртига кириш учун Намангандан Москвага жўнади. Қабул комиссиясида уни очиқ чеҳра билан қарши олдилар. Ренат ҳамма абитуриентлар қатори кириш имтиҳонларини топшириб бўлди. Қабул комиссияси имтиҳон натижаларини кўриб чиққач, Ренатнинг белгиланган баллни ололмагани туфайли билим юртига қабул қилинмаслиги маълум бўлди. Шунда унинг кўзига олий техника билим юрти сира ҳам кириб бўлмас мустаҳкам қалъадек бўлиб кўринди. Ренат Наманганга «ўқишга кира олмадим» деб қайтиб боришга ялди. У Тошкентга келганидак сўнг, атрофлича ўйлаб, Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводига ишга кирди. Уни пармаловчига шогирд қилиб тайинлашди.

Шундан бери орадан қариб бир йилга яқин вақт ўтди. Ренат жуда ўзгариб кетган: ундаги жисмоний меҳнатдан чўчишлик, тортинчоқликдан асар ҳам қолмаган. Унга цехдаги мастерлар, тенгдош ўртоқлари яқиндан ёрдам бердилар, меҳр-муҳаббат билан ҳунар ўргатдилар. «Шлифовальное дело», «Опыт шлифовальщика» деган китоблардан ҳам Ренат кўп нарса ўрганди. Ҳозир у кундалик иш нормасини 250-300 процентга етказиб бажармоқда. Олаётган маоши ҳам чакки эмас. Подмарев ўзининг техника билимини тинмай ошириш устида кунт билан ишламоқда.

Тўйчи Хайдаров ҳам «Етуклик аттестати» билан тўппа-тўғри «Ташсельмаш» заводига ишга келган эди. У, токарлик ҳунарини ўрганиш учун мастер қўлида узоқ вақт ишлаб ўтирмади. Идроклиги ва мустаҳкам ирода эгаси бўлган Тўйчи тез кунда токарлик станогида мустақил ишлай бошлади. Нина Каблукова, Коля Осадчий, Женя Черновалар ҳам ўрта маълумот билан шу заводда ишламоқдалар.

Учинчи синфни тамомлаб, ишлаб чиқаришга келганларни Тошкентдаги завод ва фабрикаларнинг деярли ҳаммасида учратиш мумкин. Ўрта маълумот уларга тез орада малакали ишчи бўлиб етишиш, мураккаб машиналарни бошқариш имкониятини бермоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида 500 дан ортиқ йигит-қиз «Етуклик аттестати» билан Тошкентдаги саноат корхоналарига ишга кирди. Корхоналарда ишлашга аҳд қилган ўрта маълумотли ёшлар сони ҳозир ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ўтган йили Тошкентдаги 45-ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлаб, «Етуклик аттестати» олган Озод Гиёсов шоферлар тайёрлаш курсига кириб ўқиб, малакали ҳунарни ўрганиб олди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ёшларга қарата чиқарган Мурожаати Озодни тўқинлантириб юборди. У шаҳар комсомол комитети номига ариза ёзиб, олтинчи беш йиллик қурилишларига юборишни илтимос қилди. Озоднинг илтимоси қондирилди, ҳозир у Оҳангаронда қурилаётган ёқилғи электростанцияси қурилишида шофер бўлиб ишламоқда. Тошкентдаги 19, 37 ва 94-ўрта мактабларни тамомлаган Н. Черепанова, Г. Азаматов, В. Рабаев ўртоқлар ҳам комсомол путёвкаси билан Катта Оҳангарон қурилишида ишламоқдалар. Бу ерда «Етуклик аттестати» билан завқланиб меҳнат қилаётган ёшлар сони 300 дан ошиб кетди.

Юқорида келтирилган ва бошқа жуда кўп мисоллар Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрликлари билан қуршаб олинган, комсомол тарбиялаётган ёшларнинг асосий кўпчилиги меҳнатсевар ва коммунизмнинг актив қурувчилари бўлиб етишаётганини тасдиқлайди.

Лекин, айрим ёшлар орасида жисмоний меҳнатга менсимай қараш кайфиятлари борлиги, уларда ўрта мактабни тамомлагандан сўнг фақат олий ўқув юртига кириш керак, бошқача йўл тутиш мумкин эмас, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай ёшлар ўн йиллик мактабни тамомлаб чиққанларидан кейин, энди биз ўқимишли кишилар бўлиб қолдик, заводга, қурилиш майдонига, совхозга ёки колхозга бориб ишлаш биз учун муносиб иш бўлмайди, дейдилар. Аммо, мана шундай ўқимишли кишилар ўзлари бинокор ишчилар қуриб берган уйда яшаётганликларини, уларнинг оталари завод ва фабрикаларда ишлаётганлигини, ҳормай-толмай меҳнат қилаётган совет кишиларимиз совхозларда ва колхоз далаларида ўстириб етиштирган нонни еяётганликларини ўйламай, енгил-елпи фикр юритадилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев қурувчи ёшларнинг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида ана шундай айрим ёшлар тўғрисида кинояли билан бундай деган эди: «...сут бўлса маза қилиб ичар экан-у, сигир соғишни ўзи учун ор деб билар экан да!».

Ёшларни меҳнатсевар, жисмоний ишдан чўчимайдиган қилиб тарбиялаш оила ва мактабга боғлиқдир. Ҳар бир ота-она болани қўлидан келадиган ишларга системали равишда жалб этиб, ўзи ишлаётган завод, фабрика тўғрисида ҳикоя қилиб бериши, у ерга фарзандини олиб бориши, хуллас қандай бўлмасин, келажагимиз, орзу ва умидимиз — болада меҳнатсеварликни тарбиялаши лозим. Меҳнатга ўрганган фарзанд мустақил ҳаётга қадам қўйганида ҳам қийналмай турмуш кечира олишини, уддабурро бўлишини ота-оналаримиз унутмасликлари керак.

Бу масалада мактаблар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Тажриба шуни кўрсатадики, политехника таълими яхши йўлга қўйилган, ўн йил давомида педагоглар коллективи комсомол ва пионер ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқувчиларни планли равишда ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилаётган мактабларни тамомлаб чиқаётган ёшлар жисмоний меҳнатдан чўчимайдилар, дадиллик билан ишлаб чиқаришга бораверадилар. Шаҳримизда политехника таълими намунали ташкил қилинган, ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаётган мактаблар оз эмас. 135 (директори Ўртоқ М. Павлова), 105 (директори Ўртоқ Эшонов), 45 (директори Ўртоқ Қабулова), 59-мактаб (директори Ўртоқ Вильданова)лар шулар жумласидандир.

Октябрь районидаги 38-ўрта мактабда олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовордир. Мактаб тажриба участкасида йилнинг ҳамма фасларида иш олиб бораётган ўқувчилар 12 сортда пахта етиштирмоқдалар. Пахта етиштиришдаги муваффақиятлари учун мазкур мактаб иккинчи марта Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан ташқари, ўқувчилар ёз фаслида Тошкент район колхозларига бориб, қишлоқ хўжалик ишларига ёрдамлашадилар. Ўтган ўқув йилида улар «Ташсельмаш» ва МПС заводларига бир неча марта экскурсияга бориб, ишлаб чиқариш процесслари билан яқиндан танишдилар. Мактабда кўпчилик ўқувчиларни ўзига бирлаштирган 10 дан ортиқ техника тўгараги мунтазам равишда ишлаб туради. Бу мактабнинг кўпчилик ўқувчилари меҳнатсевар бўлиб тарбиялаётганлиги ҳаммамизга маълум. Ишлаб чиқариш турли ҳунарлар ўрганиш имкониятини бериши билан бирга, олий маълумот олишнинг энг яхши ва қулай йўлидир. Ишлаб чиқаришда киши ўзининг қайси соҳага қобилиятли эканлигини, талантини, қайси ўқув юртига кириб ўқиши мақсадга мувофиқ эканлигини яхшироқ билиб олади. Бунинг устига олий ўқув юртида ўқиш ҳам осон ва қизиқарли бўлади, чунки унда етарли даражада ишлаб чиқариш тажрибаси бўлади.

Ёшлар, ишлаб чиқаришга келинг! Шаҳримизнинг кўпгина корхоналари, айниқса, қурилиш ташкилотлари қўлида «Етуклик аттестати» бўлган сиздек ёш йигит-қизларни кутмоқда. Бинокор бўлиш, уй-жой бинолари, ўқув корпуслари, клублар, касалхоналар, ётоқхоналар қуриш; станоклар ёнида туриб, моддий бойлик яратиш — шарафли ва олижаноб, ҳурматга сазовор ишдир.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, комсомол ташкилотларининг секретарлари ўрта мактабни тамомлаб, ишлаб чиқаришга бораётган ёшлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари, уларни ишлаб чиқаришнинг энг яхши, тажрибали мастерларига биркитиб қўйишга эришишлари керак. Бу йил ўтган йилда бўлганидек ёшларни бутун ишга жойлаштириб, эртасигаёқ улар тўғрисида қайғиришни унутиб юбориш ҳолларига асло йўл қўймаслик керак. Бундай воқиа ўтган йили МПС, «Таштекстильмаш» заводлари ва «Шарқ гули» артелларида кўпроқ содир бўлган эди.

Шу кунларда район ва шаҳар комсомол комитетларига, саноат корхоналарининг ва қурилиш ташкилотларининг кадрлар бўлимига ишга жойлаштиришни сўраб жуда кўп ўрта маълумотли ёшлар келмоқдалар. Уларни ўз ҳоҳишлари ва қизиқишларига қараб ишга жойлаштириш ҳар бир комсомол ташкилотининг, корхона раҳбарининг шарафли бурчидир.

Ёшлар, сира ҳам чўчимай, ишлаб чиқаришга бораверинг! У ердаги тажрибали ишчилар сизга ҳунар ўрганишда, ҳаётда тўғри йўл топиб олишда ёрдам берадилар.

Иш суръатини оширмоқдалар

Тошкент чинни заводининг меҳнатсевар ишчи ва мастерлари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари олтинчи беш йилликнинг биринчи йили—1956 йил планини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Иккинчи квартал планини муддатидан 10 кун олдин бажариш, 1 августгача қўшимча равишда кўпгина сифатли чинни ишлаб чиқариш натижасида завод коллективи шаҳар корхоналари ўртасидаги мусобақада 2- ўринни эгаллаш ҳамда 11 минг 250 сўм пул мукофотини олишга муваффақ бўлган эди.

Коллектив қўлга киритилган ютуқларни иш суръатини яҳада ошириш билан мустаҳкамлаш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда. Бу ерда 8 ой мобайнида истеъмолчилар учун пландан ташқари, 500 минг сўмликка яқин чойнак, пиёла, лаган, коса каби хўжалик буюмлари тайёрланди.

Цехларарo мусобақада ўртоқ Асад Қудратиллаев бошлиқ гул солиш цехи олдинда бормоқда. Бу цех коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш ва бракни камайтириш соҳасида доимо энг яхши кўрсаткичларга эришиб, завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

А. САЙДАМАТОВ,
Т. РАСУЛЕВ.

Пахта териш суръатини тезлаштириш билан бирга, давлатга сифатли пахта топшириш учун курашайлик!

* * *

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари гектаридан 34 центнердан пахта топшириш учун курашиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бригада аъзолари ана шу мўл ҳосилни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. **Суратда:** Биринчи қаторда, (чапдан ўнгга) **Т. Турдиналиева, К. Шайхитдинова** ўртоқлар пахта термоқдалар. Иккинчи қаторда: (чапда) колхоз агрономи ўртоқ **У. Хасанов Т. Нодирова** ва **Н. Миршариповаларнинг** терган пахтасини кўздан кечирмоқда.

М. Шевелев фотоси.

* * *

☆ ☆ ☆

Пахтакор қиз қўшиғи

Чаноқларим чароқлаб
Очилди ҳарёғимда.
Юлдуз каби яраклаб
Сочилди ҳарёғимда.
Ғўзаларим жилмайиб,
Интизор йўлларимга.
Салмоқ босар ҳар тола
Олганда қўлларимга.
Қалбим ғурурга тўлар
Этакларим тўлганда.
Води нурафшон бўлар
Хирмонларим кулганда.
Дугоналар, терайлик
Утказмасдан вақтни.
Она-юртга берайлик
Бу марварид пахтани.
Ўзбек фахри пахтамиз —
Ватанимиз қудрати.
Пахтадан кон яратди
Колхозчилар меҳнати.

Ж. ЖАББОРОВ.

Янги ерларда мўл ҳосил етишди

Мирзачўл районидаги Шверник номли колхозда янги ерларни ўзлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун колхозда Ўртоқ Саъди Холбоев бошлиқ алоҳида бригада ташкил этилган. Бу бригада 1955 йилда 52 гектар қўриқ ерларни ўзлаштириб, ана шу ерларнинг ҳар гектаридан 13,5 центнердан ҳосил олган эди.

Бу йил шу бригаданинг аъзолари янги ўзлаштирилган 52 гектар ерни 95 гектарга етказдилар ва чигит экдилар. Ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб, янги ерларда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Дастлаб бу бригада аъзолари 17, 15 центнердан ҳосил олиш учун аҳд қилган эдилар.

Ғўза қатор оралари бутун ёз давомида 5 марта комплекс парвариш қилинди, культивация, чопиқ, суғориш ва озиқлантириш тадбирлари қулай муддатларда ўтказилди. Шунинг учун далада мўлжалдан ортиқ ҳосил етишди. Шу туфайли янги ерларни ўзлаштираётган бу фидокор колхозчилар 17 центнер ўрнига 20 центнердан ҳосил олиш мажбуриятини олдилар.

Ҳозир бу бригаданинг ерларида бўлиқ кўсаклар пишиб чамандай очила бошлади. Ғўза парваришда даврида кунлик нормани 1,5-2 ҳисса қилиб бажариб келган кетмончи қизлардан Ойимхон Холбоева, Каромат Худойбердиева, Бувал Қурбонова сингари ўртоқлар янги ерларда етишган янги ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

Мирзачўлдаги ҳосилдор колхозда

Мирзачўл воҳасидаги колхозларнинг қайси бирига борманг, уларнинг чўлни ўзлаштиришда, чўлларни экинзорларга, боғ-бўстонларга, кўркам ва обод қишлоқларга айлантиришда ўзига хос кураш йўллари ва тарихи бор. Лекин ўзининг номишонсиз ва беадрес бўлган ерларнинг эгни номлари ҳам бор, бормоқчи бўлсангиз, аниқ адреслари ҳам бор. Мана, Максим Горький номли колхоз, Верхне-волинск районига жойлашган.

— 1942 йилда, — дейди колхоз раиси ўртоқ Шарифбобо Раҳимов,— колхоз янги ташкил этилган вақтда 80 гектар пахта майдони бор эди, у вақтда ҳар гектар ердан атиги 6 центнердан пахта ҳосили олинарди.

Ҳақиқатан бу колхоз тўқайлар, қалин қамишзорлар, ботқоқлик ерлар ўртасида эди. У ерларни ўзлаштириб, экинзорларга айлантиришни ўша вақтда ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмас, ер ости, ҳосил паст эди. Одамларга қўрқинчли ва жуда қийин туюлган, енгиб бўлмасдай кўринган тўқайлардан, ботқоқликлардан энди асар ҳам қолмади. Илгари 2-3 гектардан иборат майдамайда карталар жуда катта яхлит ерларга айлантириб юборилди.

Партия ва Ҳукуматимизнинг қўриқ ва бўз ерларни, Мирзачўл воҳасини ўзлаштириш тўғрисида амалга оширяб келаётган катта тадбирлари туфайли етказиб берилаётган кучли экскаваторлар, бульдозерлар, азамат тракторлар ва хилма-хил механизмлар чўллар, тўқайлар бағрини тилкапора қилиб, халққа манфаат келтирадиган ерларга айлантирмоқда. Бахти ва бефойда ётган қўлчадан-қанча ерлар сахий ва унумдор ерларга, боғ-бўстонларга, ғўзал ва ҳосилдор қишлоқларга айланиб кетди. Бу ҳақиқатни Максим Горький номли колхоз мисолида ҳам кўриш мумкин.

1942 йилда Максим Горький номли колхознинг 80 гектар пахта майдони бор эди. Ҳозир бу колхознинг пахта майдони 560 гектарга, умумий экин майдони минг гектарга етди. Олдин ҳар гектар ердан 6 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 560 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта йиғиб олинди.

Колхозчилар зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилиб, асрлар бўйи фойдаланилмай келаётган ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг «сирини» билиб олмоқдалар, йилдан-йилга мўл-кўл ҳосил этдилар ва ижодий меҳнат самараларини намойиш қилдилар.

Зўр ижодий меҳнат туфайли Максим Горький номли колхоз қишлоғи аҳолисининг социалистик меҳнатга бўлган муносабати ҳам ўсди, колхозчилар турмуши фаровон, қишлоқлари кўркам ва обод бўлиб қолди. Бу қишлоқнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, янги, кўркам, Ильич чироқлари порлаб турган социалистик қишлоққа айланди.

Додо Бозоров, Жаббор Шеров, Аҳмад Давлатов каби чўлни забт этаётган ажойиб механизаторлар, Ниёз Қодиров, Тўхтамиш Бегалиев сингари пахта усталари, шунингдек агрономлар, врачлар, ўқитувчилар, умуман, қишлоқ интеллигенцияси ва илғор кишилар сафи ўсди, бирлашиб зўр кучни ташкил этди.

Колхозда пахтачиликни ривожлантириш учун, қишлоқ хўжалик механизмларидан тўлароқ, унумлироқ фойдаланиш учун йилдан-йилга янги тадбирлар амалга оширилаётир. Майда карталар йириклаштирилиб, механизацияга кенг йўл очиб берилди. Пахтадан мўл ҳосил олиш учун агротехниканинг янги усуллари дадиллик билан жорий этилди. Шу туфайли колхозда пахтанинг таннархи ҳам пасайиб, меҳнат унумдорлиги ошди. Ўртоқ Қодиров бошлиқ бригадада ўтган йили 70 гектар ерга чигит экилиб, уни трактор билан икки томонга қараб ишлаш таъминланган эди. Шунинг учун бу бригадада ҳар бир колхозчининг ишлаб чиқарган пахтаси 6-7 тоннани ташкил қилади, бир центнер пахтани ишлаб чиқариш учун сарф этилган меҳнат 5,5 тадан ошмайди.

Квадрат-уялаб чигит экишнинг афзалликларини кўрган колхоз аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда бу йил 570 гектар ерга чигит экиб, икки томонга қараб ишлашни таъминладилар. Пахтадан ўтган йилдагига нисбатан ҳам мўл ҳосил олиш учун пухта замин ҳозирладилар. Колхоз агрономи ўртоқ Бобоқул Деҳқонов билан суҳбатлашиб қолсангиз, у қуйидагиларни айтади:

— Партиямиз XX съезднинг тарихий қарорларидан илҳомланган колхозчиларимиз, механизаторларимиз бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўра яхши ишладилар. Гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириш учун агротехника тадбирларини қулай муддатларда изчиллик билан амалга оширдилар. Шунинг учун ҳозир далаларимизда мўлжалимизга яраша мўл-кўл ҳосил етишди. Энди мана шу ҳосилни жадал йиғиб-териб олишга киришдик. Бунинг учун зарур бўлган ҳамма тайёргарлик ишлари кўрилди. Бу йил мўл пахта ҳосилини йиғиб олишга, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланишга аҳд қилдик. 350 гектар ердаги пахта ҳосилини машина билан териб олмиз.

Механизаторлар колхозчиларнинг ана шу истак ва интилишларига пахта териш машиналарини йиғим-теримга пухта тайёрлаб кўйиш билан жавоб бермоқдалар. Ҳозир механик-ҳайдовчилардан Аҳмад Давлатов, Раҳим Нурназаров, Абдусалом Султонов ўртоқлар ўз машиналарини ремонтдан чиқариб, тахт қилиб кўйдилар. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири бу йилги пахта териш мавсумида колхозга 80 тоннадан пахта териб бериш учун социалистик мажбурият олдилар.

Бу колхозда йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма шароит яратилган. Дала шийпонлари яхши безатилган. Колхозчиларга ойлик авансдар ўз вақтида бериб борилмоқда. Аёлларнинг бемалол ишлашлари учун болалар боғчаси ишлари яхши йўлга кўйилган. Колхоз агитаторлари КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорини колхозчиларга кенг тушунтирмоқдалар, колхозчилар меҳнатининг янада қадрли бўлиб қолаётганлигини фактлар билан кўрсатмоқдалар. Агитаторлар колхоздаги айрим бригадаларнинг ишларини оммалаштирмоқдалар. Жумладан, агитатор, колхоз агрономи ўртоқ Деҳқонов иккинчи бригадада меҳнат унумдорлиги ҳақида суҳбат ўтказди. Ўтган йили Қодиров бошлиқ бешинчи бригадада етиштирилган пахта маҳсулотининг таннархи қарийб 50 процент камайгани ва унинг сабабларини, меҳнат унумдорлиги 130 процентга ошганини конкрет мисолларда кўрсатиб берди. Бу хилдаги суҳбатлар бошқа бригадаларда ҳам олиб борилмоқда.

Ҳозир Максим Горький номли колхоз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг колхозчиларга қилаётган чексиз гамхўрликларидан руҳланган ҳолда пахта йиғим-теримини бошлаб юборишдилар. Янги ҳосилнинг дастлабки тонналари пахта пунктига жўнатила бошланди. Теримнинг дастлабки кунларидаёқ фидокор колхозчилар ўзларининг уюшқоқликларини кўрсатмоқдалар.

Максим Горький номли колхоз аъзолари мавжуд ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш билан бирга, Мирзачўл даштларига хужумни янада давом эттирмоқдалар. Бекасам тўнга тушган бўз ямоқ сингари бўз ерларни колхоз территориясида қолдирмаслик учун курашилмоқда. Колхоз аъзолари 1957 йилда яна 200 гектар бўш ётган ерларни экинзорларга айлантириш учун, пахта майдонини 700 гектарга етказиш учун амалий ишга киришдилар. 1-МТСдан келган ер текисловчи машиналар, тракторлар билан ҳозир 100 гектардан ортиқ ер текисланиб, ҳайдашга тайёрлаб кўйилди. Ерларнинг шўрини ювиш, захини қочириш тадбирлари кўрилаётир. Чўл бу ерлардан узил-кесил чекинмоқда. Баҳодир кишиларимиз голиб чиқиб, асрий чўллар таслим бўлмоқда.

М. АДИЗОВ,
Б. ХАЛИЛОВ,

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Ўзбилармон маориф мудири

Оржоникидзе район маориф бўлимининг мудири Ўртоқ Азизовнинг ўзбошимчалик билан ғайри қонуний равишда қилаётган ишларини ифодалашга сўз етишмайди. Азизов район маорифи бўлимининг мудирлиги вазифасини ўзи учун ўмрбод бериб кўйилган деб ҳис қилиб, ишда мактаб директорларини менсимайди, мактаб ишларини ҳал этишда директор, ўқитувчилар коллективининг фикри билан келишмайди. Ўртоқ Азизов маориф соҳасида ўзини яккаю-ягона тартиб ўрнатувчи деб билади. Ҳамма нарсани ҳаммадан яхши биламан деб ўйлаганидан бўлса керак, унинг ишидаги камчилик ҳақида гапирсангиз, танқид қилсангиз ва ҳатто маслаҳат қилсангиз, балога қоласиз. Хуллас, Ўртоқ Азизов район маорифи бўлими мудирига хос бўлмаган яроқсиз иш услубини тутмоқда. Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади, деганларидек Азизовнинг иш услубини билмоқ учун фактларга мурожаат қилайлик.

Кўпинча мудирнинг қабулхонасида Азизовни кутаверишдан тоқатиток бўлган ўқитувчиларни, мактаб директорларини кўрасиз. Уларнинг қанчадан-қанча қилиниши зарур бўлган ишлари бор, улар бекорчи кишилар эмас-ку, ахир! Мудирнинг бюрократлиги, одамларни менсимаслиги шу даражагача бориб етганки, у ҳатто мактаб ўқитувчилари билан дурустроқ сўрашмайди, улар билан кўпол муомалада бўлади. Кишиларни кутдириб кўйишнинг сабаблари ҳам бор. Ўртоқ Азизов ҳафтада икки кун — чоршанба ва шанба куни ишга чиқмайди, ўз шахсий иши билан шуғулланади. Совет интеллигентининг ўз бурчига нисбатан муносабати шундай бўладими? Иш таҳлиб ётса, одамлар кутиб ўтирса-да, мудир айш қилиб юрса! Ўртоқ Азизов ўзини хон билиб, кўланкасини майдон дейиши бундан ҳам ортиқ бўладими?! Бу тўғрида яна фактлар келтириш мумкин.

Масалан, Лупачарск посёлкасида яшовчи меҳнаткашларнинг бир қисми посёлка Советига 2-ўрта мактаб ҳузурида ўзбек синфлари ташкил этиш ҳақида мурожаат қилдилар. Қишлоқ Советининг халқ маорифи доимий комиссияси бу масала билан чуқур шуғулланди. Комиссия меҳнаткашлар талабини қондириш учун 2-мактабда имконият етарли деб, уни маориф министрлиги олдига қадил кўйиш зарур эканлигини билдирди. Министрлик район халқ маорифи бўлимига хат юборди, кўтарилган масала тўғри ва уни ҳал этиш зарурлигини уқдирди. Лекин Ўртоқ Азизов, 2-мактаб ҳузурида ўзбек синфлари очиш тўғрисидаги масала менсиз кўтарилган, мен эндигина ишга рухсат бермайман, деб ўпқирди. Шунақа, ҳаммага, ҳатто министрликка маъқул тушадиган нарсалар ҳам Ўртоқ Азизовга мақбул бўлавермайди.

Ўртоқ Азизов район маорифи бўлимининг мудири бўлатуриб мактаб ҳаёти билан қизиқмайди. 2-мактаб маориф бўлимидан атиги 900-1000 метр узоқликка жойлашган. Бу мактабда Ўртоқ Азизов ҳали шу пайтгача бир марта ҳам бўлгани йўқ. Ваҳоланки, мактаб ёрдамга муҳтож — бу ерда янги мактаб бинои қурилмоқда, эски мактаб эса ремонт қилинмоқда. Ўртоқ Азизов бу ишда мактаб дирекциясига яқиндан ёрдам бериш ўрнига, ҳалақит бермоқда, мактабларнинг оддий хизматчилари ва ҳатто ота-оналар ташаббусини бўғмоқда. Политехника таълимини тўғри йўлга кўйиш иши билан қизиқмайди ҳам. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, обсерватория, МТС, «Раҳимов» артели мактабнинг ўқув устахонаси, лабораторияси ва кабинетларини жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, машина ва қишлоқ хўжалик асбоблари бердилар. Уларни тартибга келтириш ва ишлатиш учун маълум миқдорда маблағ керак. Мактаб ўқувчиларининг ота-оналари кабинет ва лабораторияларни жиҳозлашда мактабга ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Ўртоқ Азизов эса ҳатто мактаб ремонти учун сметада белгиланган маблағни ўз вақтида бермай, мактаб коллективини қийнади. Шунинг учун мактаб янги ўқув йилига пухта тайёргарлик билан кирмади.

Маориф бўлими мудирининг ўзи ҳеч ким билан ҳисоблашмай, ўқитувчилар ва ҳатто мактаб директорларининг тақдирини ҳал этиб юбораверади. Маориф мудири 6-мактабнинг собиқ директори М. Обидовга снабпросдан район мактаблари учун мебель олиб келиш ва келтирилган буюмни фақат унинг кўрсатмаси билан тарқатиш ҳақида кўрсатма берган. У ўз уйига баъзи мебеллардан юборишни Ўртоқ Обидовга топширишни ҳам унутмади. Ўртоқ Обидов мебелларни ҳужжатсиз тарқатишга розилик бермади. Мактаб директори маориф бўлими мудирининг «кўрсатмаси»ни бажармагани учун ишдан бўшатилди.

Штат бўйича район маориф бўлимида машина ҳам, шофер ҳам йўқ. Лекин маориф мудири ўзига шахсий машина сотиб олиб, кимнингдир ҳисобига шофер олиб ишлатиб юрибди. Ўртоқ Азизовнинг ўжарлиги, ман-манлигини, одамлар билан бюрократик муносабатда бўлишини район ижроия комитети ва ҳатто область маориф бўлимидаги ўртоқлар биладилар-у, лекин тегишли чора кўрмаётирлар. Ўртоқ Азизовнинг район маориф бўлими мудирига хос бўлмаган ҳулқ-атвори қаттиқ муҳокама қилиниб, тегишли чора кўрилиши керак. Ҳаддидан ошиб кетган Азизовнинг қилаётган ишига эндиликда тоқат қилиб бўлмайди.

С. СИДАКОВ,
2-ўрта мактаб директори.

Магазинлар ва ошхоналарнинг иши устидан жамоат контроли кучайтирилмоқда

Ўзбекистон касаба союзлари Советининг президиуми республика электростанциялари ва электр саноати корхоналаридаги магазинлар, ошхоналар ва буфетларнинг иши устидан жамоат контролининг аҳволи ва уни янада кучайтириш масаласини муҳокама қилди.

Саноатнинг бу соҳасидаги ишчиларга ва хизматчиларга савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга составида 500 дан кўпроқ киши бўлган касаба союзларнинг катта отряди — активистлари ёрдам бермоқда. Тошкент электр лампалари заводининг жамоат контролёрлари яхши ишламоқда. Улар бу йил тайёрланаётган таомларнинг сифатини, уларнинг ассортиментини 500 мартага яқин текширишдан ўтказдилар.

Электр станциялар ва электр саноати ишчилари касаба союзининг республика комитети активларга мунтазам равишда йўл-йўриқ бериб туради, улар билан семинар машғулотлари ўтказади, тажрибани алмашиш юзасидан кенгашлар ташкил қилади.

Ўзсовпроф президиуми шулар билан бир қаторда, савдо ва жамоат овқатланиши корхоналарининг иши устидан жамоат контроли ташкил этишдаги катта камчиликларни кўрсатиб ўтди. Масалан, «Ташэнергострой», «Фарғона ТЭЦ», Чирчиқдаги «Электрошчит» заводининг касаба союз ташкилотлари контролёрлар томонидан берилган сигналларнинг тез ҳал қилинишига ҳали ҳам эришмаганлар, савдо қоидасини бузувчиларга қарши мунтазам кураш олиб бормайдилар, ишчи ва хизматчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида кам ғамхўрлик қиладилар.

Ўзсовпроф қабул қилган қарорда касаба союзларнинг республика, область ва фабрика-завод комитетларининг жамоат контролёрларига раҳбарлик қилиш ва ёрдам беришни кучайтириш, уларни савдо ишига ўргатишни йўлга кўйиш вазифаларини топширди. (ЎзТАГ).

Хом пахтани териш колхозга ҳам, колхозчига ҳам зарар келтиради

КПСС XX съезднинг олтинчи беш йиллик план юзасидан Директиваларида Ўзбекистон ССРда 1960 йилда 1955 йилдагига нисбатан пахта етиштиришни 1,5 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Съезд қарорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, барча майдонларда ҳосилни ошириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, йиғим-терим ишлари муддатини қисқартириш ҳосилни йиғиштириш вақтида нобудгарчиликка қарши кураш ва маҳсулот сифатини кўтариш йўллари кўрсатиб берилган.

Пахта ялпи ҳосилининг кўпайиши қишлоқ хўжалиги ва пахта тозалаш саноати ходимлари олдига янги вазифалар кўяди. Пахта ялпи ҳосилини кўпайтириш учун кураш ва пахтани пахта тозалаш заводларида қайта ишлаш пахтага нисбатан эҳтиёт бўлишлик билан маҳкам боғлаб олиб борилиши керак, токи пахтанинг табиий технологик кўрсаткичлари сақланиб қолсин ва тўқимачилик саноатига юқори сифатли хомашё бериш мумкин бўлсин.

Тўқимачилик саноатининг иши кўп жиҳатдан қайта ишланиши лозим бўлган пахтанинг сифатига боғлиқ. Шунинг учун тўқимачилик саноати аъло сифатли кўрсаткичга эга бўлган хомашёни олишдан ғоят манфаатдордир. Чунки бу нарса саноат маҳсулотининг сифатига ижобий таъсир қилади ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш имкониятини беради. Тўқимачилик саноати узун, ингичка эластик ва пишиқ пахта толасини талаб қилади. Бундай хоссага эга бўлган тола яхши йиғирилади. Толанинг бу хоссалари эса пахтанинг пишиб етилишига қараб ўзгариб боради. Аммо бу ўзгариш кўсакдаги барча толада бир вақтнинг ўзида бўлмайди. Ҳатто бир кўсакнинг ўзида ва бир чигитнинг ўзидаги тола ҳам турлича ривожланади.

Пахта толасининг муҳим технологик сифатларидан бири — унинг пишиб етилган бўлишлигидир. Толанинг бу сифати эса пахтанинг ўз вақтида териб олинишига боғлиқ. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча колхозчиларга, совхоз ва МТС ходимларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарилган Мурожаатида пишиб етилмаган хом пахтани термаслик алоҳида уқдириб ўтилади.

«Пахта йиғим-терининг дастлабки кунларидан бошлаб хом пахтани тердирмаслик, бунга сира ҳам йўл иўймаслик керак. Шуни эсда тутиш лозимки, хом пахтани оз миқдорда бўлса ҳам териш ана шу ғоят муҳим хомашёнинг бузилишига олиб келади, давлатга топшириладиган пахтанинг сифатини пасайтиради ва бу билан колхозларга ҳамда давлатга моддий зиён етказилади. Хом пахтани териш амалда ҳосилнинг кўп миқдорда нобуд бўлишига олиб келади ҳамда кўлгина звенолар, бригадалар ва ҳатто бутун-бутун колхозлар, совхозларнинг планни бажара олмай қолишига сабаб бўлади».

Йиғим-теримни уюштириш — муҳим давлат ишидир. Шунинг учун йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш керак. Пахтани унинг сифат кўрсаткичларига қараб сортларга ажратиш иши колхоз ва совхозларда бажарилиши керак. Аралаштириб терилган пахтани саноат йўли билан сортларга ажратиш ҳозирча мумкин бўлмаёдир. Шунинг учун пахтани мавжуд стандарт бўйича сортларга ажратиб териш лозим. Бу эса тўқимачилик саноатининг эҳтиёжларини қондира оладиган, юқори технологик кўрсаткичларга эга бўлган тола олиш имкониятини беради.

Ўтказилган химиявий анализлар пахта толасининг 94-96 процента клетчатка (целлюлоза) дан иборат эканлигини кўрсатади. Пахта толасида целлюлоза энг асосий модда бўлиб, халқ истеъмол қиладиган саноат товарларини ишлаб чиқариш учун қимматли ҳомашё ҳисобланади. Пахта толасининг химиявий составининг доимий эмас ва пахтанинг селекция сортига, парвариш қилиш шароитига ва ривожланишига қараб ўзгариб туради. Толанинг барча хоссалари унинг составига ва тузилиши билан белгиланади. Унинг составига ва тузилиши эса пахтанинг пишиб етилиш процессида кескин ўзгариб боради.

Бутунлай хом пахта одатда ғоят ингичка деворчали трубкадан иборат бўлади. Бундай пахта жуда бўш бўлганлиги сабабли йиғириш учун яроқсиз ва одатда пахтани бўяш учун қўлланиладиган бўёқлар билан бўялмайди. Бунга сабаб ҳом толанинг деворчалари деярли фақат бир ҳимоя қават — кутикуладан ташкил топганлигидир. Кутикула эса шира-мум моддасига бой бўлиб, целлюлозага камбағалдир. Пахта тойларига тушиб қолган, етилмаган ҳом тола ўлик тола деб аталади. Бундай ҳом толалар бир-бирига ёпишиб, ёрқин пластинкалар шаклини оладилар. Уларнинг аралашмаси пахта сифатини кескин пасайтиради.

Пахта толасининг етила бориши билан унинг деворчалари қалинлашади. Бу нарса тола деворчаларининг ички томонида клетчатка қатламининг ҳосил бўла бориши ҳисобига рўй беради. Деворчаларининг қалинлиги ортиши билан толанинг пишиқлиги ошади.

Пахта технологик кўрсаткичларининг ташқи муҳит таъсири остида ўзгаришини ўрганиш мақсадида 1954 ва 1955 йилларда тажриба участкасига чигитнинг 108-Ф, 1306-ДВ, 4028 ва 10964 сортлари экилди. Бунда пахта кўсак очилмасидан 5-6 кун олдин ва очилишидан 30 кун кечиктириб ситиб олинди.

Бизнинг текширишларимиз целлюлозанинг тўпланиши ва тузилишининг ўзгаришни кўсак очилгандан кейин ҳам рўй берганлигини кўрсатди. Бу нарса дастлабки очилган даврда тола пишиқлигининг оша бориши ва узаяборишн билан тасдиқланади. Бунда ҳар бир сортда пишиқлигининг энг юқори даражага етиши кўсак очилгандан кейин турли муддатларда рўй беради.

Бизнинг текширишларимиз очилган пахта чаноқда ортиқча қолиб кетган тақдирда қуёш нури таъсири остида толанинг пишиқлиги ҳам, чўзилувчанлиги ҳам пасайганлигини кўрсатади.

Одатда давлатга пахта топшириш планини тезроқ бажариш мақсадида баъзи колхоз ва совхозларда тўда очилиб етмаган чаноқлардаги пахтани териб олишга йўл қўйилади, яъни кўракларни қўл билан очиб, унинг ичидан пахтани ситиб оладилар. Тайёрлов ходимларининг тилида бундай пахта «абортланган», яъни зўрлаб очилтирилган деб аталади. Одатда бундай яхши пишиб етилмаган пахтани юқа қилиб ёзиб қуёшда қуритадилар ва сўнгра тайёрлов пунктига топширадилар. Бундай пахта паст технологик кўрсаткичларга эга бўлади, яъни унинг пишиқлиги ва чўзилувчанлиги етарли бўлмайди. Пишиб етилмаган пахтани теришга йўл қўйган колхозлар ва совхозлар анча зарар кўрадилар. Чунки хом пахтанинг сорти паст бўлади ва у тош босмайди, ундан келадиган даромад ҳам оз бўлади. Натижада бундай колхоз ва совхозлар ўз мажбуриятларини бажара олмайдилар.

Бизнинг текширишларимиз пишиб етилмаган пахтадан 3-сорт тола олинганлигини кўрсатди. Бунинг натижасида пахтакор колхоз ва совхозлар ҳақ тўлашнинг янги системаси бўйича топширилган ҳар бир тонна пахта учун 3500 сўм ўрнига 1900 сўм ҳақ оладилар. Очилгандан кейин, икки ва уч кун ўтказиб терилган пахта 2-сортга қабул қилинади. Натижада пахтакор колхоз ва совхозлар топширилган ҳар бир тонна пахта учун 3500 сўм ўрнига 3000 сўм ҳақ оладилар.

Демак, пахта ҳосилини анча эрта муддатларда, шунингдек анча кечиктириб териш толанинг технологик сифатини пасайтиради. Олиб борилган қузатишлар совет сортларидан бўлган пахтани очилгандан кейин 4-6 кун оралатиб, ингичка толали пахтани эса очилгандан сўнг 6-7 кун оралатиб териш лозимлигини кўрсатди. Ана шу муддатларда терилган пахта тўқимачилик саноатининг эҳтиёжларини қондирадиган юқори технологик кўрсаткичларга эга бўлган тола беради.

Ш. ҚОДИРОВ,
Тошкент тўқимачилик институтининг доценти.

Янги усулда сунъий тишлар қўйиш

Тиш мутахассиси ўртоқ Маҳмуд Қосимов тиш протези соҳасида янгилик ихтиро қилиш учун узоқ йиллар давомида илмий иш олиб борди. Кўприксимон тиш протезини тайёрлашда бутунлай янги, оригинал усул ўйлаб топди. Тиш протезини бу усулда ишлаганда пайвандсиз, бутун бир жинсдаги металлдан тайёрлашга, қалайини иқтисод қилишга ва ҳар хил қалайларнинг таркибида учрайдиган зарарли моддаларни бутунлай йўқотишга имкон беради. Янгича протезлаш санитария-профилактика жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Янги усулда тайёрланган тишлар ниҳоятда мустаҳкам бўлади, тиш протезларини тайёрлаш процессини тезлаштиради, бунинг оқибатида вақт тежалади, сунъий тиш нархи арзонлашади.

Бу янги усулнинг ижобий томонлари ҳақида Москва медицина нашриёти томонидан нашр этиладиган «Советское медицинское реферативное обозрение» ва «Стоматология» журналининг бир неча сонларида мақолалар ёзилди. Шу соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари ўртоқ Қосимов ихтиро этган бу усулни тажрибада синаб кўрилганда яхши натижа берганини таъкидлаб, бу усулни юқори баҳоладилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги илғор техникани халқ хўжалигига жорий қилиш Давлат Комитети бу усулни энг яхши рационализаторлик усули деб қабул қилди ва ўртоқ Маҳмуд Қосимовга авторлик гувоҳномаси берилди. Гувоҳномада авторнинг бу усулни биринчи бўлиб ихтиро қилганлиги ва жуда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги ўзининг қуйи ташкилотларига Қосимовнинг пайвандсиз кўприксимон қуйма тиш протези методини жорий қилиш тўғрисида кўрсатма берди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг Киров районидаги 8- поликлиникаси қошида янги усулда ишловчи тиш протези лабораторияси очилди. Бу ерда ихтирочи Маҳмуд Қосимов раҳбарлигида ишловчи ходимлар янги усул билан иш олиб бориб, дастлабки муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Шу кунларда янги усул билан ишлаётган бу лабораторияга жуда кўплаб ишчи ва хизматчилар келиб, тиш қўйдирмоқдалар.

М. МАҲКАМОВ.

Японияни тинч йўл билан тараққий эттириш учун

Бундан ўн бир йил муқаддам милитаристик Япония урушдаги мағлубият натижасида таслим бўлди. Совет Иттифоқи, Хитой ва уларнинг иттифоқчилари япон ҳарбий машинасини тор-мор келтирганлиги натижасида бутун Шарқий Осиё халқларининг эркин нафас олиши учун имконият туғилди. Япон милитаризмининг тор-мор қилинганлиги туфайли бизнинг мамлакатимиз Совет юртининг Узоқ Шарқдаги чегараларига доим хавф туғдириб турган агрессия ўчоғини тугатди.

Милитаристик Япония 1904 йилдаёқ Россияга қўққисдан ва хиёнаткорона ҳужум қилиб, уруш бошлаган эди. Ана шу уруш натижасида Япония Куриль оролларига ҳукмрон бўлди ва Сахалининг жанубий қисмини Россиядан ажратиб олди. Япония мамлакатимиздан тортиб олган территориядан кейинчалик мамлакатимизни очиқ океанга чиқиш имкониятидан маҳрум этиш ва Россиянинг Узоқ Шарқдаги ерларига ҳужум қилиш учун база вужудга келтириш мақсадида фойдаланди. Япон империалистлари 1918 йилдан тортиб 1922 йилгача ғарб давлатларининг империалистлари билан биргаликда совет Узоқ Шарқига ҳарбий интервенция қилдилар.

Совет халқи япон босқинчиларни ва бошқа босқинчиларни ўз юртидан ҳайдаб чиқарди. Лекин шундан кейин ҳам япон ҳарбийлари Совет мамлакатига қарши яна ҳужум бошлаш ниятидан қайтмадилар. Япон ҳарбийлари бир қанча йил мобайнида совет чегараларида кўп марта қуролли провокация уюштирдилар ва Совет давлатига қарши «катта уруш» бошлашга тайёргарлик кўрдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, Совет Армияси ғарбда гитлерчи қўшинларга қарши шиддатли жанг олиб борган ва ҳар бир солдат ҳисобда турган бир пайтда Совет Иттифоқи Узоқ Шарқ чегаралари яқинида талайгина қўшинларни сақлашга мажбур бўлди. Чунки Узоқ Шарқ чегараларимиз яқинида Японияннг миллионли Квантун армияси шайланиб турган эди.

Иккинчи жаҳон урушида милитаристик Япония тор-мор қилиниши билан Совет давлати бутун Сахалинга ва Куриль оролларига нисбатан бўлган қонуний территориал ҳуқуқларини тиклади. Бунинг натижасида японларнинг совет Узоқ Шарқига ҳужум қилиш учун тайёрланган плацдарми тугатилди ва мамлакатимизнинг Тинч океанга эркин суратда чиқиши таъминланди.

Япония милитаристик машинасининг яксон қилиниши унинг тинч, демократик йўл билан ривожланиши учун керакли бутун шарт-шароитни вужудга келтирди. Реакцион тенденцияларга қарши, Япония тараққиётининг ана шу янги йўли учун кураш урушдан кейинги даврда Япония сиёсий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этди.

Мамлакат ичкарисидаги реакциянинг кирдикорларига ва чет элларидаги империалистик доираларнинг тазъйиқига қарамай, япон халқининг демократик кучлари мустаҳкамланди. Бу кучлар Японияннг мустақиллиги учун актив курашчилар ва курашмоқдалар. Бу кучлар мамлакатни милитаризм йўлига яна солишга қаратилган ҳар қандай уринишларга қатъий зарба берчилар ва қатъий зарба бермоқдалар. Аммо Япониядаги ҳукмрон доиралар муайян қисмининг узоқни кўролмайдиган сиёсати туфайли Япония ҳозирги кунгача АҚШга қаҳ-қатда қарам бўлишдан тамомила қутилгани йўқ. Япония урушдан кейин АҚШга қарам бўлиб қолган эди.

Ана шу қарамликнинг яққол кўриниб турган натижаларидан бири шуки, Япония шу вақттача Совет Иттифоқи ва Хитой билан нормал муносабатлар ўрнатаолмади. Бу эса Японияннг миллий манфаатларига жуда катта зарар етказади.

Японияннг иқтисодий алоқалари доираси ғоят торайиб кетганлиги унга жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда. Японияннг ташқаридан бўлган тазъйиқ остида бир томонлама йўл тутаётганлиги натижасида бундай аҳвол рўй берди. Америка Қўшма Штатлари Японияннг ички бозорини тамомила ўз ихтиёрига олиб қўйди, Япония билан Америка ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари эса ҳуқуқий тенгликка асосланмаган. Масалан, иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин АҚШ Японияга ҳар йил ундан сотиб олган товарларига қараганда уч баравардан эшёд кўпроқ товар чиқармоқда. Бундан ташқари, Японияга мажбуран қабул қилдирилган эмбарго сиёсати натижасида Япония ўзининг традицион бозорларидан, жумладан, Хитойдаги жуда катта бозоридан маҳрум бўлиб қолди. Япония билан Совет Иттифоқи ўртасида, шунингдек Япония билан Европадаги халқ демократияси мамлакатлари ўртасида ҳам нормал товар айирбошлаш йўлга қўйилган эмас. Буларнинг ҳаммаси Японияннг жиддий иқтисодий қийинчиликларини бартараф қилиш вазифасини ҳал этишини ғоят мушкуллаштирмоқда, япон халқининг аҳволига жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Японияннг иқтисодий қийинчиликлари яна шу билан ғоят мушкуллашмоқдаки, Японияннг бюджетидан кўп маблағлар армияни вужудга келтириш учун, шунингдек Америка қўшинлари ва базаларини таъминлаш учун сарф қилинмоқда. Ана шу қўшин ва базалар халқнинг талабига хилоф суратда ҳали ҳам Япония территориясида сақланмоқда.

Японияннг ўзидаги, шунингдек бошқа мамлакатлардаги урушқоқ доиралар милитаристик тенденцияларни қайтадан тиклашга интилаётганликлари натижасида бу мамлакатни тез суръатлар билан қайтадан қуроллантириш программасининг амалга оширилаётганлиги японларни ҳақли суратда ташвишга солмоқда. Мамлакатда вужудга келтирилаётган қуролли кучлардан миллий мудофаа мақсадларида эмас, балки япон халқига ёт бўлган мақсадларда фойдаланилиши мумкин, деган фикр японлар орасида тобора кенг ёйилмоқда.

Япония жамоатчилиги мамлакат тараққиётнинг бошқа йўлидан борсин, ўз миллий манфаатларига ҳақиқатан ҳам жавоб берадиган йўлдан борсин, деб қаттиқ талаб этмоқда. Япон жамоатчилиги ана шу йўлга ўтиш учун даставвал, демократик лагердаги мамлакатлар билан муносабатларни тамомила нормаллаштириш, эркин савдо-сотиқни ривожлантириш, Американинг машаққатли васийлигидан халос бўлиш керак, деб ҳисобламоқда. Американинг хўжайинлигидан норози бўлган япон буржуазиясининг хушёр фикр юритаётган намояндалари ҳам демократик лагерь билан муносабатларни нормаллаштириш ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш ғоят зарур деб ҳисобламоқдалар.

Жумладан, Совет Иттифоқи билан тезликда сулҳ шартномаси тузиш керак деб ўртага қўйилаётган қатъий талаб Япониядаги ана шундай кайфиятларни ифода этади. Бизнинг давлатимиз ана шу талабларни тамомила маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Шу йил 31 июлда Москвада Япония билан сулҳ музокаралари бошланди. Бу музокаралар давомида совет томони Япония билан ҳамкорлик қилишга интилаётганлигини ва у билан ҳамжиҳат бўлишни истаётганлигини изҳор қилди. Масалан, Совет Иттифоқи Япония билан унинг учун фойдали бўлган савдо-сотиқ муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди, шунингдек бир қанча муҳим масалаларда ён берди.

Лекин Япония ҳукумати СССР билан муносабатлар ўрнатиш масаласида ҳали ҳам сусткашлик қилмоқда ва иккиланмоқда. Бу ҳол жумладан, Япония томонининг асоссиз суратда Совет Иттифоқидан территория олишни кўзда тутган даъволарида ўз ифодасини топди. Ана шу даъволар икки ўртада муносабат ўрнатиш йўлига ғов солишдан бошқа бир нарса эмас.

Шу нарса тамомила аёнки, Япония ҳукуматига таъсир кўрсатаётган ва Япония ҳукумати ҳали бартараф қила олмаётган қандайдир ташқи кучлар бор. Даставвал, АҚШдаги ҳукмрон доиралар Совет-Япония муносабатларининг нормаллаштирилишини истамаётирлар. Ана шу доиралар Японияннг чинакам суверен ва мустақил давлат сифатида халқаро майдонга кенг миқёсда чиқишига йўл қўйишни хоҳламайдилар. Шу нарса ҳам тамомила аёнки, Японияннг ўзидаги муайян реакцион доиралар ҳам реванш олиш кайфиятларидан воз кечган эмаслар ва япон халқи орасида мамлакатимизга нисбатан адоват уруғини сочишга интилмоқдалар.

Аммо, совет халқи билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган япон халқининг катта кўпчилиги масъулиятни сезмаётган элементларнинг ана шундай хуружлари ва кирдикорларига қаттиқ зарба бермоқда. Халқаро кескинлик юмшашган ҳозирги пайтда тинч-тотув яшаш принциплари, оқилона иш кўриш ва яхши муносабатда бўлиш принциплари шубҳасиз, ғалаба қилади. Совет кишилари шунга аминдирларки, япон халқининг тинчлик ва мустақиллик учун, бошқа мамлакатлар билан нормал муносабатлар ўрнатиш учун олиб бораётган ҳаққоний кураши Японияннг Осиёдаги тинчликсевар давлатлар ўртасида ўзига муносиб ўрин олишига имкон беради.

В. НИКОЛЬСКИЙ.

МИСР ҲУКУМАТИ СУВАЙШ КАНАЛИНИНГ СОБИҚ КОМПАНИЯСИНИ СУДГА ТОРТАДИ

ҚОҲИРА, 1 сентябрь. (ТАСС). «Аҳбар Аляум» газетасининг хабар беришича, Миср ҳукумати Сувайш каналининг собиқ компаниясини эндиликда ўзига қарашли бўлмаган маблағлардан ғайри қонуний равишда фойдаланишда айблаб, унга қарши даъво қилишга қарор берган. Чунончи матбуотда Мисрга қарши душманлик билан мақолалар босиб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Франциядаги баъзи газеталарни пул воситаси билан қўлга олиш учун шу маблағлар сарф қилинганлиги назарда тутилади.

ШОТЛАНДИЯДА КЕМА ҚУРУВЧИ ИШЧИЛАРНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

ЛОНДОН, 1 сентябрь. (ТАСС). Кеча Клайд дарёсидаги (Шотландия) кемасозлик корхоналарида 5.700 ишчи иш ташлади. Иш ташлаганлар гарантияланган иш ҳақи минимумини, шунингдек иш ҳақи ставкасининг қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқдалар. Иш ҳақи ставкасининг бир қисми 1892 йилда белгиланган бўлиб, бу ставка ҳозиргача қайта кўриб чиқилмай келмоқда. Забастовка 28 та кемасозлик корхонасига тарқалди.

ЭДГАР ФОР ЖАНОБЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДА БУЛИШИ

СССР Парламент группасининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Франция Миллат мажлисининг депутати, Министрлар Советининг собиқ раиси Эдгар Фор жаноблари рафиқаси билан биргаликда Тошкентда икки кун бўлди.

Э. Фор жаноблари ва унинг рафиқаси Ўзбекистон республикаси пойтахтининг ҳаёти билан танишиб, тўқимачилик комбинатини, Навоий номли халқ кутубхонасини, санъат музейини бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Муқимий номли музикали драма ва комедия театрида концертда ҳозир бўлдилар. Э. Фор жаноблари атоқли ўзбек ёзувчилари билан учрашди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Дания назоратининг раҳбарлари билан суҳбат қилди.

Франциялик меҳмонлар 3 сентябрда Самарқандга учиб кетдилар. Э. Фор жаноблари жўнаб кетиш олдидан ЎзТАГ мухбирига берган баёнотида Тошкентга қилган сафаридан мамнун эканлигини изҳор қилди, самимий кутиб олганликлари учун республика пойтахтининг раҳбарлари ва аҳолисига ташаккур билдирди. (ЎзТАГ).

СЕНТЯБРДА БЕШ ЮТУҚ ТИРАЖИ БУЛАДИ

2 сентябрда Полтавада СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёми (1953 йилги чиқарилиши)нинг навбатдаги ютуқлар тиражи бўлади.

Шу ойда яна тўрт тираж ўтказилади: 16 ва 17 сентябрь кунлари Бокуда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёми (1951 йилги чиқарилиши)нинг ютуқлар тиражи ва заёмни қайтариб олиш тиражи бўлади. 30 сентябрда уч процентли давлат ички заёмининг асосий ва қўшимча тиражлари бўлади. Бу икки тираж Ленинград шаҳрида ўтказилади. (ТАСС).

Дўстлик карнавали

РЕПОРТАЖ

1 — 2-сентябрь. Кечки соат 7 — 8 лар чамаси. Шаҳар кўчаларида, тротуарларида, трамвай ва троллейбусларда лиқ тўла одам. Ҳамма ясан-тусан. Гўё бутун шаҳар Сталин номидаги Маданият ва истироҳат боғига — Комтомол кўлига қараб оқмоқда. Карнавал либосини кийган ёшлар, худди уларга транспорт етишмаган ёки транспортга тушса кечга қоладигандай, шоша-пиша яёв боряптилар. Ҳаммаларининг юзларида, кўзларида шодлик аломатлари... Ишчилар, хизматчилар, олимлар, ўқитувчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари, фабрика ва завод ёшлари, узоқ-узоқ районлардан келган илғор пахтакорлар... Булар ўртасида республикага довруқ солган йигит-қизлар: пахта усталари, ишлаб чиқариш илғорлари, инженерлар, техниклар бор... Мана, ажойиб карнавал кийимини кийган бир тўда ўзбек қизлари Каганович кўчаси бўйлаб комсомол кўли томон келяптилар. Мужиза... Гўё бирон соҳибкор боғбон ҳамма ёққа гул экиб ташлаган-у, гуллар юриб келяпти.

Соат кечки 9. Комсомол кўлига одам сигмайди. Карнавалнинг тантанали очилиш маросими. Бу ерга 30 мингдан ортиқ одам тўпланган. Ҳамма ёққа кулги, қаҳқаҳа... Боғ турли хил рангба-ранг электр лампочкалари билан безатилган. Шиорлар, байроқлар, шунингдек турли-туман байроқча ва ўйинчоқлар, шакллар... Карнавалда ҳар хил аттракционлар, ярмарка, Шарқ бозори, карнавал лотоклари очилган... Қўйинг-чи, керакли ҳамма нарса топилади. Паркнинг ҳамма жойида оркестрлар, массовиклар, карнайчи, сурнайчи ва қизиқчилар тамошабинларга хизмат . кўрсатмоқда... Ўйин-кулги, шод-хуррамлик...

Карнавал давом этмоқда... Кичик Тошкент темир йўлида «Дўстлик сафари»... Кўлни айтмайсизми, киши тўйиб бўлмайдиган даражада хуш кашф этган: ҳаммаёқ байроқ, ҳаммаёқ чироқ, кўкда ҳам нур, сувда ҳам нур... Мана, кўл ўртасидаги кичик орол. қалам билан тасвирлаб бўлмайдиган даражада гўзал ва шўх... Орол оғзидан олов уфиради, сув сачратади, юзлаб турли хил лампочкалари турлича ранг кашф этиб, минг мақомда ўчиб-ёнади, турлича шакл ҳосил қилади... Қани энди кўприк бўлса-ю, шу ерга ўтсанг. Ана, нариги томонидан пойга қўйиб ўзиюрар қайиқлар учиб келяпти. Уларга ҳам хайрон қоласан киши. Оролчанинг нарирогидаги сув устидаги супада ўзбек раққосалари рақс тушяпти. Нақадар ажиб, нақадар кўркам...

Ҳар қадамда танца. Ўйин-кулги, аския. Осор-тақарини жойига келтириб, эшак миниб олган Хўжа Насриддинни айтмайсизми?.. Боғни айланиб, ҳаммани ичак-силласини қуритиб кулдириб юрипти...

Соат 11 лардан ошган. Бирдан мушак отишлар бошланиб кетди... Тўғриси, тасвирига ҳар қандай моҳир қалам ҳам ожизлик қилади. Ҳамма ёқ гумбур-гумбур, тасир-тусир, осмон тўла гул...

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Суратда: 1 Спортчи-масхарабозлар. 2. **Хўжа Насриддин** ўз эшаги билан карнавалга келди. 3 Ёшлар паркда сайл қилмоқда.

Ф. Осипов ва **И. Сироткин** фотолари.

Маданий дам олмоқдалар

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг касаба союз комитети ишчи ва хизматчи, инженер-техник ходимларнинг маданий-маиший турмушини янада яхшилаш, уларнинг ўз меҳнат отпускалари даврида мамлакатимизнинг турли курорт, санаторийларида кўнгилли дам олишлари учун ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Шу кунгача 60 дан ортиқ ишчи ва хизматчи Крим, Кисловодск, Железноводск, Сочи каби хушманзара жойларга бориб, дам олиб келдилар. Бундан ташқари, 120 дан ортиқ киши қардош Тожикистон, Қирғизистон республикалари ва Тошкент областидаги «Октябрь 10 йиллиги», Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла дам олиш уйларига юборилди. Касаба союз ташкилоти иккинчи ярим йилда ҳам 100 дан ортиқ ишчи ва хизматчини курорт ва санаторийларга юборишни планлаштирди.

М. ЗОКИРОВ.

Редактор ўринбосари
М. КОРИЕВ.

АМУРНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА СОВЕТ-ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ

ПЕКИН, 2 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Совет-Хитой битимига мувофиқ, Амур қирғоқларида илмий-текшириш ишлари кучайтириб юборилди. Бу ишлардан кузатилган мақсад ана шу дарё ҳавзасининг ресурсларидан комплекс равишда фойдаланишдир. Бу соҳадаги ишларда совет ва хитой мутахассислари қатнашмоқдалар.

«Гуаминжибао» газетасининг билдиришича, совет ва хитой мутахассисларидан тузилган махсус бригада Амур ва Аргунь дарёларида гидроэлектростанциялар қуриладиган бир қанча пунктларни белгилаб чиққан. Бу гидроэлектростанциялар Совет Иттифоқи районларини ҳам, Шимолий Хитой районларини ҳам электр қуввати билан таъминлайди.

Амурнинг юқори ва ўрта қисмида жойлашган қўриқ ерлардан иборат кенг массивларда мелиорация ишлари олиб борилиши бу ерларда мўл ҳосил етиштириш имконини беради. Гидроэлектростанциялар қурилиши ана шу районда электрлаштирилган ва механизациялаштирилган илғор қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилишини таъминлайди.

Узоқ Шарқнинг ана шу буюк дарёсида кемалар қатновини яхшилаш учун ҳам тегишли чораларни кўриш кўзда тутилган.

УМУМ ҲИНДИСТОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ БЮРОСИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕҲЛИ, 1 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Умум Ҳиндистон тинчлик кенгаши бюросининг сессияси очилди, Кун тартибида Сувайш масаласи, қуролсизланиш ва ядро қуролини синашни тақиқлаш ҳақидаги масала ҳамда тинчлик учун курашга таалуқли бошқа бир қанча муҳим масалалар бор.

Хитой рассоми Ци Бай-шига Халқаро тинчлик мукофоти топширилди

ПЕКИН, 1 сентябрь. (ТАСС). Бугун Пекинда машҳур Хитой рассоми Ци Бай-шига 1955 йил Халқаро тинчлик мукофоти топширилди. Бу мукофот адабиёт, санъат ва кинематография соҳасида халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган энг яхши асарлар учун Жаҳон Тинчлик Кенгаши томонидан берилади.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Жаҳон Тинчлик Кенгаши раисининг ўринбосари, Тинчликни ҳимоя қилиш Хитой халқ комитетининг раиси Го Мо-жонутқ сўзлади, шундан кейин Халқаро тинчлик мукофотларини берувчи халқаро жюри вакили Мао Дунь ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида Ци Бай-шига Жаҳон Тинчлик Кенгашининг мукофот бериш тўғрисидаги ёрлиғини ва мукофотнинг ўзини топширди. Жаҳон Тинчлик Кенгаши секретариатининг вакили, Хитой рассомлари союзи раисининг ўринбосари Е Цянь-юй мукофотланувчини табрикладилар.

96 яшар рассом Ци Бай-ши сўзга чиқиб, миннатдорчилик билдирди ва ўзининг бор кучини хитой миллий рассомлик санъатини янада ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтириш ишига, бутун дунёда тинчлик учун кураш ишига сарфлашини айтди.

Ци Бай-ши мукофотнинг ярмини хитой миллий рассомлик санъати асарларини мукофотлаш учун белгиланган фондга топширди.

Польшада туризм

ВАРШАВА, 1 сентябрь. (ТАСС). Польша пойтахтидаги кўчаларда ва майдонларда ҳар куни жуда кўплаб чет элли туристларни кўриш мумкин. Улар Варшаванинг янги турар-жой районларини кўздан кечирмоқдалар, Варшаванинг диққатга сазовор жойлари билан, маданий-оқартиш муассасалари билан танишмоқдалар.

Ёзги уч ой давомида Варшавага дунёдаги турли мамлакатлардан 2.600 га яқин турист келиб кетди. Польша билан Совет Иттифоқи ўртасида бир-бирларига туристлар юбориб туриш айниқса кучайди.

Польшанинг «Орбис» деган саёҳатчилар бюроси чет давлатларнинг жуда кўп туристлик бюролари билан алоқа ўрнатди. Венгрия, Чехословакия, Германия Демократик Республикасидан, Англия, Франция, Бельгия, Голландия, Италия, Швеция, АҚШдан келаётган туристларнинг сони кўпаймоқда.

Шу билан бир вақтда, Польшанинг кўпгина туристлари ҳам дунёдаги турли мамлакатларга бормоқдалар. Бу йил Польша меҳнаткашларидан бир неча группаси Совет Иттифоқига бориб келди. Мингларча ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция Чехословакия, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикасига ва бошқа кўпгина мамлакатларга бориб келдилар.

1954 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёми

4-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

СПРАВКА ЖАДВАЛИ

Заёмнинг бу тиражи 1956 йил 26 августда Ужгородда бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
160378	35*)	5.000	163327	32*)	5.000	167800	1—50	200	172024	36*)	1.000	175804	11*)	1.000
160418	22*)	1.000	163354	17*)	1.000	167859	02*)	1.000	172192	33*)	5.000	175898	1—50	500
160525	1—50	200	163388	1—50	200	167883	1—50	200	172223	1—50	200	175920	1—50	200
160731	1—50	200	163757	22*)	1.000	167885	1—50	200	172332	15*)	1.000	176076	1—50	200
160747	1—50	500	163861	1—50	200	167903	20*)	1.000	172368	38*)	1.000	176103	1—50	200
160925	37*)	1.000	163928	1—50	200	167990	1—50	200	172564	39*)	1.000	176221	1—50	200
161213	1—50	200	164162	04*)	1.000	168551	1—50	200	172640	44*)	5.000	176237	18*)	1.000
161236	1—50	200	164210	14*)	1.000	169153	35*)	5.000	172759	37*)	5.000	176598	1—50	200
161292	1—50	200	164254	41*)	1.000	169208	1—50	200	172792	1—50	200	176674	15*)	1.000
161306	1—50	200	164276	1—50	200	169575	1—50	500	172800	1—50	200	176912	24*)	1.000
161385	1—50	200	164287	39*)	1.000	169672	1—50	200	172840	1—50	500	177070	1—50	200
161437	04*)	1.000	164384	1—50	200	169776	1—50	200	172857	12*)	1.000	177309	1—50	200
161502	01*)	1.000	164494	1—50	200	169799	1—50	200	172933	1—50	200	177736	1—50	200
161679	1—50	200	164514	1—50	200	169860	1—50	200	173029	1—50	200	177834	1—50	200
161695	1—50	200	164524	25*)	1.000	169920	1—50	200	173045	1—50	200	177838	1—50	200
161903	24*)	5.000	164581	1—50	200	169936	1—50	200	173076	1—50	200	177845	1—50	200
161955	1—50	200	164612	1—50	200	170251	1—50	500	173272	50*)	1.000	177982	1—50	200
161963	1—50	200	164666	1—50	200	170290	34*)	1.000	173400	1—50	200	178038	1—50	200
162150	16*)	5.000	164714	28*)	1.000	170320	1—50	500	173482	36*)	1.000	178231	42*)	1.000
162335	1—50	200	165574	1—50	200	170406	1—50	200	173497	32*)	1.000	178341	49*)	1.000
162552	1—50	200	165606	1—50	200	170514	35*)	1.000	173564	19*)	1.000	178397	1—50	200
162553	1—50	200	165719	21*)	1.000	170767	09*)	1.000	173577	1—50	200	178500	1—50	200
162650	1—50	200	165759	1—50	200	170839	1—50	500	173711	1—50	200	178879	19*)	1.000
162669	1—50	200	165957	06*)	1.000	170906	1—50	200	173868	1—50	200	178912	42*)	1.000
162737	1—50	200	166721	19*)	1.000	170935	1—50	200	174117	1—50	200	178945	1—50	200
162748	47*)	1.000	166789	12*)	1.000	171093	1—50	200	174194	1—50	200	178993	1—50	200
162771	1—50	200	166805	21*)	1.000	171098	1—50	200	174367	1—50	200	179104	1—50	200
162800	1—50	200	166832	43*)	1.000	171112	1—50	200	174432	1—50	200	179208	1—50	200
162811	1—50	200	166849	1—50	200	171228	17*)	5.000	174578	1—50	200	179234	1—50	200
162822	1—50	200	167070	33*)	1.000	171337	1—50	200	174641	1—50	200	179263	1—50	200
162836	1—50	200	167142	11*)	1.000	171417	1—50	200	174696	42*)	5.000	179322	1—50	200
162846	1—50	500	167569	1—50	500	171450	37*)	1.000	174885	1—50	200	179369	42*)	1.000
162906	19*)	1.000	167606	1—50	200	171676	1—50	500	175042	50*)	1.000	179535	1—50	200
162989	39*)	1.000	167646	1—50	200	171753	23*)	1.000	175141	19*)	10.000	179541	1—50	200
163030	17*)	1.000	167789	1—50	200	171878	1—50	200	175511	1—50	200	179649	1—50	200

*) Шу сериядаги облигациялар нинг қолган 49 номерига 200 сўмдан ютуқ чиқди.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи Комиссиянинг раиси — меҳнаткашлар депутатлари Закарпат область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. П. ПОПОВИЧ.
Комиссиянинг масъул секретари Л. А. ВАСИЛЬЕВА.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кеч соат 7 гача **Ўлмаслик гулҳани**, кеч соат 7-40 минутдан **Доктор Роберт майер.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Безовта баҳор**, кундуз соат 12 дан **Шайтон доира.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 6 гача **Ўлмаслик гулҳани**, кеч соат 8 ва 10 да **Доктор Роберт майер.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА

«ИСКРА», «УДАРНИК», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Ўлмаслик гулҳани.**

«ХИВА» — **Шайтон доира.**

«САЛЮТ» — **Безовта баҳор.**

«СРЕДАЗГИПРОЩАХТ» ИНСТИТУТИГА

проект ишларига ҳар хил ихтисосдаги **инженерлар** ва **техниклар** ҳамда ишбайга **русча машинисткалар**

КЕРАК

Иш ҳақи биринчи группа проект ташкилотлари ставкаси юзасидан тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 64-уй (3-трамвай, 4 ва 5-троллейбуснинг «Ассакинская» остановкаси).

Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 34-уй, 2-квартирада турувчи **Рема Давидовна Кривенконинг** Киев шаҳар, Красноармейская кўча, 32-уй, 16-квартирада турувчи Лев Наумович Кривенкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 4-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 01785. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Нашр № 1514.